

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

Ўзбекистон тарихи кафедраси

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ
ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ
ФАНИДАН МАЪРУЗА МАТНЛАРИ
(Ўқув услубий қўлланма)
I - қисм**



С А М А Р Қ А Н Д - 2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

« Т а с д и қ л а й м а н »
Ўқув ишлари бўйича
проректор
_____проф Соатов У.О
« ____ » _____ 2011йил

Институт ўқув- услубий
адабиётларни нашр қилиш
секцияси томонидан
тасдиқланган (баённома №____)
« ____ » _____ 2011йил

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ
ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ
ФАНИДАН МАЪРУЗА МАТНЛАРИ
(Ўқув услубий қўлланма)
I - қисм**

С А М А Р Қ А Н Д - 2 0 1 1

Мазкур ўқув услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2004 йил тасдиқланган. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанининг намунавий дастури асосида тузилган ва олий таълим бакалавриат босқичида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган.

Намунавий дастурда белгиланган 14 та мавзунинг 1-7 мавзулари ушбу ўқув – услубий қўлланмага киритилган.

Ўқув – услубий қўлланма Ўзбекистон тарихи кафедрасининг 2011 йил январдаги йиғилишида (____сон баённома) маъқулланган ва қайта нашр қилишга тавсия этилган

Тузувчилар:

Т.ф.н., доцент К.Ғаниев (1 - мавзу)
Т.ф.н., доцент С.Бегматова (2 - мавзу)
Т.ф.н., доцент М.Ўроқов (3, 5, 6, 7- мавзулар)
Т.ф.н., доцент Б.Кубаев (4 - мавзу)

Тақризчилар:

1. А.Сафаров – СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.
2. Ш.Назарбердиев – СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Масъул муҳаррир:

К. Ғаниев – СамДАҚИ Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, доцент
Н. Бобоқандов – СамДАҚИ Тиллар кафедраси доценти.

К и р и ш

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш халқимизнинг олий мақсадларидан биридир. Конституция ва қонунларимизнинг мазмун ва моҳиятидан шу нарса қатъий аёнки, мамлакатимизда шакллантирилаётган фуқаролик жамияти – демократия ва адолат тамойилларига таянувчи эркин инсонлар жамиятидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: *“Биз фуқаролик жамияти қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир”*. Юртбошимиз фикрини яна давом эттириб: *“Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунлиш бир вақтнинг ўзида амал қилади”*.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг ўқитилиши бир томондан мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши самараси билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мустақиллик туфайли Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг устувор йўналишини демократик жамият қуриш билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Мазкур ўқув – услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2004 йилда тасдиқланган “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг намунавий дастури асосида тузилган.

Намунавий дастурда кўрсатилган қўйидаги мавзулар: Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг предмети, мақсад ва вазифалари (доцент К.Ғаниев); Демократик жамият қуриш тўғрисидаги дастлабки қарашлар ва унинг ривожланиш босқичлари (доцент С.Бегматова); Мустақиллик ва демократик жамият қуришнинг “Ўзбек модели” (доцент М.Уроқов); Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда ўтиш даврининг зарурлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари (доцент Б.Кубаев); Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва қадриятлари (доцент М.Уроқов); Қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асоси (доцент М.Уроқов); Миллий – маънавий негизларга таяниш – демократик жамият қуришнинг зарурий шарти (доцент М.Уроқов) ўқув – услубий қўлланмага киритилган.

Ўқув-услубий қўлланма бакалавриат таълим йўналишларида ҳамда магистратура мутахассисликларида таълим олаётган талаба ва магистрларга мулжалланган.

1 – М А В 3 У
ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ,
МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Р е ж а :

1. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг ўрганилишини тақозо этувчи шарт-шароитлар ва омил лар, унинг мақсад ва вазифалари.
2. Фаннинг предмети, манбалари, асосий тушунчалари ва унинг ўзига хос-лиги.
3. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шартлари.
4. Дунёвий давлат тамойиллари. Миллий давлатчилик ва демократик жамият

1. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлини ҳуқуқий давлат ва демократик жамият қуриш йўлини белгилаб олди ва Ушбу йўлдан оғишмай олға бормоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўқитишни тақозо қилмоқда. Ушбу фаннинг ўқитилиши бир томондан мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши самараси билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мустақиллик туфайли Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг устувор йўналишини демократик жамият қуриш билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Демократик жамият қуриш мақсадлари эса кўп қиррали жараён бўлиб, кўпгина муаммоларни ўз ичига олади. Бунда асосан икки муҳим жиҳат демократик жамият қўришда Дунё мамлакатлари эришган ютуқлар, умумэтироф этилган тамойиллар, иккинчидан, ҳар бир мамлакат ва халқнинг ўзига хос, миллий – маънавий хусусиятларини ҳисобга олиш ва фанни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик туфайли демократик жамият қуришни асосий мақсад қилиб белгилаб олди, миллий-маънавий меросимизга, миллий давлатчилик асосидаги кадриятларимизга таянган ҳолда ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлади ҳамда фуқаролик жамияти қурилиши билан боғлиқ вазифаларни аниқлаб олди.

Мамлакат ҳаётида кенг-қўламли ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қонуниятларни билиш ва ўрганишда, демократик тараққиёт йўлида «Ўзбек модели» ни тадбиқ этишда Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганиш нинг ўзига хос зарурат ва сабаблари мавжуд.

Биринчидан, бутун дунёда демократия, демократик жамият тўғрисида ишлаб чиқилган концепцияларда демократик жамиятнинг қиёфаси, асослари, яшаш ва ривожланишнинг умумэтироф этилган қонуниятлари ҳамда унинг ҳар бир давлат, халқнинг миллий-маънавий хусусиятлари билан боғлиқ

жиҳатлари тобора кенг миқёсида ўз ифодасини топмоқда. Бугунги кунга келиб, дунёнинг 160 дан ортиқ давлатларида демократик тузум умумба-шарий ва миллий қадрият сифатида қарор топгани, демократия инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли эканлигининг эътироф этилаёт-гани демократияни фан сифатида ўрганишни тақозо этаётган сабаблардан биридир.

Иккинчидан, Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият - унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ўрганиш зарурати ҳам ана шу қонуният билан боғлиқдир. Ҳозирги пайтгача ижтимоий-сиёсий фанлар тизи мида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга бевосита тааллуқли бўлган масалаларни илмий жиҳатдан яхлитлигича ўрганадиган фан вужудга келмаган. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани энг аввало, жаҳон цивилиза-циясининг тарихий тажрибаларига асосланган ҳолда, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, адолатли демократик давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг нафақат назарий масалаларини, балки, унинг амалий жиҳатларини ҳам яхлит тарзда ўрганади. Бу фанни яна шунинг учун ҳам ўрганиш зарурки, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари туташ-ган маконда тарихда биринчи бўлиб, умумэътироф этилган демократия тамойиллари миллий қадриятлар билан тўлдирилмоқда. Жамиятимиздаги бу жараёни атрофимизда рўй бераётган ижтимоий ҳодисалар, воқеалар ва улар ўртасидаги ўзаро боғланишларни аниқ воқелигимиз билан чамбарчас ўрга-ниш, таҳлил қилиш зарур. Бу зарурат И.А.Каримовнинг «Пировард мақсади-миз-ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир» деб таъкидлаган умумстратегик вази-фани амалга ошириш билан боғлиқ. Бу вазифани ушбу фанни ўрганишни зарур қилиб қўйган учинчи асосий сабаблардан бири дейиш мумкин. Маълумки, XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида дунё харитасида 20 дан ортиқ мустақил давлатлар пайдо бўлди. И.А.Каримов таъкидлаганидек «Улар ҳозирги тил билан айтганда, социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди». Ана шу мустақил тараққиёт йўлини танлаган давлатлардан бири Ўзбекистон Республикасидир.

Мустақиллик, Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берди. Бу даврнинг маъно ва моҳияти Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг «Ўзбек модели» билан узвий боғлиқдир. Мустақиллик қўлга киритилмаганида, Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини ўзи танлай олмас эди. Ўзбекистон ўзининг миллий давлатчилик негизларига хос бўлган сиёсий, ижтимоий - иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Мамлакат олдида турган мақсадни таъкидлар экан, -И.А.Каримов шундай дейди: «Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб

турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимизнинг қайта тикланишини, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак».

Мустақил давлатимиз мисолида демократик жамият қуриш жараёнида қўлга киритилган ютуқлар, айрим ҳаётий сабоқларни илмий таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Мамлакатимизда демократик жараёнларнинг моҳиятини билиш, унга ижобий ёндошиш учун демократиянинг миллий ва умуминсоний қадрият сифатида шаклланиш босқичларини чуқур ўрганишдек стратегик вазифани фақатгина ушбу фан бажаради.

Бу фан ўз олдига бир катор вазифаларни қўйган. Улар кўпроқ, Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти қуришнинг ўзига хос ва умумъэтироф этилган қонунларини билиш, назарий ҳулосалар ва умумлашмалар чиқаришдан иборатдир. Хусусан, фуқароларда демократик жамият талабларига жавоб берадиган дунёқараш, фикрлар хилма-хиллиги, эркинликни кадрлаш, инсон кадр-қиммати, шаъни ва ор-номусини ҳурмат қилиш билан боғлиқ қадриятларни шакллантириш шулар жумласидандир.

Ушбу фан турли хил услублардан фойдаланади. Булар тажриба, қиёсий таҳлил, эмпирик–социологик ва илм-фаннинг бошқа замонавий услубларидир.

2. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани ҳам ижтимоий гуманитар, сиёсий фанларда эътироф этилган ўрганиш объекти, манбаи, предметига эга. Бу объект ва предметнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда айтадиган бўлсак, мазкур бу фан демократик жамият қуриш қонуниятларини ўрганади ҳамда тадқиқ қилади. Айни пайтда, фаннинг ўзига хос хусусиятлари, объекти, предмети, қонуниятлари тушунчалари бор.

Мазкур фан предмети Ўзбекистонда демократик жамиятнинг шаклланиши, фуқаролик жамияти қурилиши, қарор топиши ва амал қилишининг дунёда эътироф этилган умумбашарий принциплари ҳамда миллий тамойилларига асосланади. Бу фаннинг предмети ва объекти мамлакатимизга хос ва мос хусусиятлардан келиб чиқиб эркин, демократик адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўллари ва қонуниятларини ўрганишдир. Шунингдек, Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари фаннинг объектидир.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти:

- бир томондан демократик жамият тўғрисидаги мавжуд қарашларга, назарияларга ҳамда мамлакатимизнинг давлатчилик тарихий мероси билан боғлиқ мутафаккирларнинг ғояларини ҳисобга олади:

- Мустақиллик йилларида демократик жамият қурилиши тўғрисидаги муҳим концептуал ғоялар ва қарашларнинг ишлаб чиқилиши ва унда Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш йўли хусусиятларига таянади:

- Бу соҳада мустақиллик йилларида эришилган демократик жамият қуриш тажрибасига таяниб ўрганади.

- Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, ўзаро манфаатли

ҳамкорлик асосларини ишлаб чиқиш ва ривожланиш қонуниятларини билиш муҳим ўрин тутди:

Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг ўрганадиган соҳалари қуйидагиларни ташкил қилади:

- Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг демократлашуви ва сиёсий соҳани эркинлаштириш;
- Халқ ҳокимиятчилиги ва унинг манбаи, фуқаро-жамият-давлат муносабатлари;
- Мамлакатда Конституция ва қонуннинг устуворлиги;
- Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда бурчлари билан боғлиқ умумий қоидалар ва демократик тамойиллар;
- Жамият ва шахс муносабатлари;
- Жамоат бирлашмалари;
- Оила;
- Давлат ҳокимиятини ташкил этиш соҳалари ва ҳ.к.

Демократиянинг вазифаси-фуқароларнинг ҳуқуқлари тан олинадиган ва ҳимоя қилинадиган, уларнинг бурчларига риоя этиладиган ва бажариладиган жамиятни қуришдан иборат. Ҳозиргача ҳеч қайси давлат бунга мукамал эришмаган, фақат унга ҳаракат қилиб келмоқда.

- Демократик жамият давлатчилик соҳасида ҳар бир мамлакат ва халқнинг демократияда умумъэтироф этилган қадриятлари ва тамойиллари ҳисобга олинадиган, миллий маданий мерос хусусиятларига таяниладиган, фуқароларнинг ҳуқуқлари тан олинадиган ва ҳимоя қилинадиган, бошқарувда фуқаролар фаол иштирок этадиган жамиятдир.

Умумий тарзда демократия деганда, ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчилиكنинг ҳокимияти ва озчилиكنинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади.

- Демократия халқни ўз эркинлиги ва мустақиллиги, ҳар бир шахснинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашларга ва шу йўсиндаги ҳаракатларга йўл қўйилмайдиган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш шаклидир.

Мазкур фан ўзининг мантикий тузилишига ҳамда илмий таҳлил усуллари ва воситаларига кўра мустаҳкам назарий асос ҳамда манбаларга асосланади. Бу ўринда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) нинг 1948 йил 10 декабрда қабул қилган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» ни келтириш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарор ва қонунлари, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг: ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Йўлимиз-мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли», «Истиқлол ва маънавият», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт

кафолатлари», «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз», «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари», «Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик қилиш», «Ўзбекистон-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси», «Парламент жамият ҳаётининг кузгиси», «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир», «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият» каби қатор фундаментал ва устувор асарлари, маърузалари, нутқлари, фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам курсни ўрганишнинг асосий манбалари бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани билан боғлиқ тушунчалар мавжуд. Бугунги кунда демократик қадриятларнинг асосий тушунчаларини тўла-тўқис ўзлаштириб олиш жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Уларни ўрганишда қуйидаги учта жиҳатни алоҳида ҳисобга олиш лозим:

1. Ижтимоий гуманитар фанларда ишлатиладиган умумий тушунчалар. Масалан: жамият, цивилизация, эркинлик, ҳуқуқ, қонун, маданият, тараққиёт, демократия:

2. Ижтимоий-сиёсий фанларда ишлатиладиган тушунчалар билан яқин бўлган тушунчалар: ҳуқуқий давлат, хусусий мулк, фуқаролик жамияти, сиёсат, сиёсий ҳокимият, сиёсий ташкилотлар, сиёсий тизим, сиёсий режим, сиёсий плюрализм, сиёсий онг, сиёсий маданият ва бошқалар :

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани ўрганадиган таянч тушунчалар: «Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўли», эркинлик, мустақиллик, демократия, қонун устуворлиги, «демократик давлатчилик», «демократик жамият», «демократия», «демократик жамият тўғрисидаги қарашлар», «демократик жамиятнинг миллий –маънавий негизлари», «миллий-маънавий қадриятлар», Ўзбекистон иқтисодий ҳаётининг эркин демократиялашуви, ижтимоий ҳаёт ва демократия, сиёсий ҳаётнинг демократик тамойиллари, «демократик қадриятлар», «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилиши», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт», «Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти», «Миллий давлатчилик ва демократия» ва бошқалар.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш жараёнида яна қуйидаги тушунчалар: «либерал демократия», «демократия ва бозор иқтисодиёти», «демократия шароитида инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги», «демократия ва миллатлараро муносабатлар», «давлатни демократик бошқариш», «демократиянинг асосий унсурлари» кўпроқ ишлатилиши табиий. Бу тушунчаларнинг ҳар бирининг ўзига хос маъноси ва мазмуни бор.

Фан амал қиладиган қонуниятлар: Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти фанида амал қиладиган қонуниятларни билишда қуйидаги жиҳатларни алоҳида ҳисобга олиш керак.

Биринчидан, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани дунёда эътироф этилган умумий қонуниятларни ҳисобга олади.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ хусусий, алоҳида қонуниятларга таянади.

Масалан: «Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг ўзига хос ва мос ривожланиш қонуни» ёки «Демократик жамият қурилишида миллий менталитет хусусиятларини ҳисобга олиш қонуни», «Демократик жамият қурилишининг миллий-маънавий қадриятлар билан боғлиқлиги қонуни», «Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг ўзига хос хусусиятларининг Ўзбекистон давлатчилиги тарихи, миллий-маданий мероси, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан алоқадорлиги қонуни ва бошқалар.

Маълумки, бу қонуниятлар ниҳоят даражада кўпқирралилиги, мураккаблиги ва нозиклиги билан алоҳида эътиборни талаб қилади.

3. Демократик жамият қурилиши ўзининг хилма-хил миллий хусусиятларига эгадир. Хар бир халқ демократияни ўзининг миллий-маданий мероси, сиёсий менталитети, феъл-атвори, қадриятлари асосида куради, ҳамда демократиянинг умумбашарий маъно ва мазмунини бойитишга ҳисса қўшади.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани синфийлик ва партиявийлик ғояларидан мутлақо холи бўлиб, унда иқтисодни мафкурадан устун қўйиш, инсонийлик, миллий истиклол ва тикланиш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ғоялари муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг И.А.Каримов асарларида асослаб берган хулосалари мазмун-моҳиятига кўра кўникиб қолинган андозалардан тубдан фарқ қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистонда шаклланаётган жамият ўзга жамиятлардан мазмунига кўра тубдан фарқ қилади ҳамда, танланган йўлнинг ўзига хослигини ва бетакрорлигини белгилайди.

Ўзбекистонда демократик жамият қуришда икки муҳим жиҳатга алоҳида эътибор берилмоқда:

-Демократик жамият қуришнинг дунёда эътироф этилган тамойилларини тан олиш:

-Демократиянинг миллий-маданий мерос билан боғлиқ миллий хусусиятларига таяниш:

Бу икки йўналиш бир-бири билан узвий боғлиқ, ҳақиқий демократик жамият қуришни уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Амалий ҳаётда бу муҳим қонуниятларнинг бузилиш ҳоллари турли халқлар турмуш тарзи ва улар миллий манфаатларига зид бўлган, ижтимоий-сиёсий, маънавий оқибатларни келтириб чиқарган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик жамиятга хос жиҳатлар шаклланиб бормоқда, яъни:

- Мамлакатда демократик институтларнинг шаклланиб бораётганлиги:
- Кўп партиявийликка ўтилиши:
- Хокимият тармоқларининг мустақиллиги:
- Жамоатчилик назоратининг ошиб бориши:

Умуман демократия қай даражада эканлигини қуйидаги мезонлар белгилайди. Булар: халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнлардан қанчалик хабардорлиги: ҳукумат қарорларининг халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши: оддий фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиши даражаси.

Ўзбекистонда ҳам кенг қамровли демократик жараёнлар ана шу мезонлар асосида амалга оширилмоқда. Республикада бугунги кунда 100 та жамоат уюшмалари: 5 та сиёсий партия: 2 та ижтимоий ҳаракат: 3000 мингта нодавлат нотижорат ташкилотлари ва қасаба уюшмалари тизими томонидан 28 та йўналишда жамоатчилик назорати амалга оширилмоқда. Агарда I-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлган сайловда 2та сиёсий партия ва ҳокимият вакиллик органларидан 700 дан ортиқ номзод иштирок этган бўлса, II-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлган сайловда 47 субъект, яъни 5 сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи ва сайловчилар-нинг ташаббускор гуруҳларидан 1010 нафар номзод қатнашди.

Мамлакатда икки палатали парламентга ўтилиши бу жараённи янада чуқурлаштирди. Сайловда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 120 депутат сайланди. Сайловларда 489 депутатлик ка номзод, шу жумладан, сиёсий партиялардан – 435 киши ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан мустақил номзодлар–54 киши иштирок этди. Сайловларда фуқаролар фаол қатнашдилар. Сайловлар Қонунчилик палатасидаги ўринлар учун сиёсий партиялар ўртасидаги кескин рақобат кураши муҳитида ўтди. Округларнинг 77% да бир депутатлик мандати учун 4 тадан 6 тагача номзод кураш олиб борди.

Ўзбекистонда жамият сиёсий ҳаёти соҳасини демократлаштириш борасида И.А.Каримов сиёсий таълимотида устувор йўналишлари қилиб белгилаб берилган қуйидаги муҳим масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

- Мамлакат сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш:
- Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳитининг қарор топиши зарурлиги ва ҳар бир партиянинг ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлишига:
- Нодавлат тузулмалари, ҳукуматга қарашли бўлмаган ва жамоат ташкилотларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада ривожлантириш:
- Жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш:
- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларимиз онгида демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш:

4. Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши натижасида Ўзбекистонда демократик жамият куриш, фуқаролик жамияти асосларини яратиш каби олий мақсадни амалга оширишга киришди. Мустақилликнинг қўлга киритилиши Ўзбекистон олдида маъсулиятли вазифани қўйди.

Ўзбекистон қандай давлат куради? Дунё жамоатчилиги ҳам бунга алоҳида эътибор билан қаради. Ўзбекистоннинг истиқлоли ва инсонларнинг тақдири ҳам, уларнинг қандай ҳаёт тарзига эга бўлиши, миллий-маънавий мерос билан умумбашарий тамойилларнинг уйғунлигини таъминлаш ҳам, Ўзбекистон олдида кўндаланг бўлиб турган давлатчилик курилишининг қандай асосда амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ эди.

Ўзбекистон исломий давлат куришни эмас, балки дунёвий давлат куриш йўлини танлади. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари мавжуд. Бунинг учун Дунёвий давлатнинг исломий давлатдан фарқли жиҳатларини, унинг афзалликларини билиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Ўзбекистон Ўрта Осиёда исломга эътиқод қилувчи энг қадимий заминлардан бири бўлиш билан бирга мусулмончилик илмининг ислом оламида ҳамма тан олган анъаналарига ҳам эга.

Ислом маданияти бир неча асрлар давомида ўзбек халқи маънавиятининг асоси бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Шу билан бирга Президент И.А. Каримов, мамлакатни дунёвий асосда ривожлантириш, дунёвий давлат куриш йўлидан боришига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бу эса демократик давлат курилишида муҳим омил. Бу масалада Юртбошимиз И.А. Каримов шундай дейди: «Биз, бундан буён ҳам аҳолини энг олий рухий, ахлоқий ва маънавий кадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун дин, байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Конституциясида «Дунёвий давлат» деган атама йўқ бўлсада, унинг моҳияти ва тамойиллари бир қанча моддаларда ифодаланган.

«Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди» (61-модда).

«Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қуувчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланди. (57-модда)

«Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» (12-модда).

Дунёвий давлатнинг муҳим жиҳатлари қуйидаги йўналишларда ўзифодасини топган:

- инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик:
- демократия ва ижтимоий адолатга садоқат:
- халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш:
- республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш:
- инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш:
- ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш:
- диний ташкилотлар ва бирлашмаларни давлатдан ажратилганлиги ҳамда қонун олдида тенглиги. Давлатнинг диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмаслиги:
- фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш:
- ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш:
- Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг ҳуқуқий асослари, унинг Конституциясида белгилаб қўйилганлигини ва унга таяниб иш олиб боришини англатади.
- Ўзбекистонда демократик жамият қуриш йўлининг асослари собиқ тоталитар тузумдан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:
- ягона коммунистик мафкурага таянмаганлиги билан:
- синфийлик, партиявийлик тамойилларидан мутлақо бегоналиги билан:
- инсон-энг улуғ неъмат, деган фикрга асосланилганлиги билан:
- «давлат – жамият - фуқаро» муносабатидан тубдан фарқ қиладиган «фуқаро – жамият – давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий асосга қўйилганлиги билан ажралиб туради.

Инсоният цивилизацияси Шарқда, Шимолий Африкада Нил, Осиё қитъасидаги Дажла ва Фрот, Амударё ва Сирдарё, Ганг, Янцзи ва Хуанхэ дарёлари воҳаларида бошлангани ҳозир ҳаммага маълум. Цивилизация ривожланиши марказида эса энг муҳим унсурлардан бири сифатида ҳар доим давлат институти туради. Ўрта Осиё минтақаси цивилизациясининг қадимийлиги бу ерда давлатчилик бир неча минг йиллик тарихга эга эканлигини билдиради. Бундай заминда мавжуд давлатчилик салоҳияти унинг давомийлигини узлуксиз таъминлашга қодир бўлган. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48- сессиясида (1993 йил) ўзбек давлатчилигининг тарихи 3000 йилдан ортиқлиги, бу ҳудудда гуллаб-яшнаган давлатлар нафақат Турон-Мовароуннахр Туркистондагина, балки жаҳон тараққиётида ҳам ёрқин из қолдирганлиги ҳақида гапирганда тула асосга эга эди.

Фақат ташқи кучлар босқинчилиги муайян даврлардигина ўзбек давлатчилигини йўқотишга улгурган. Маълумки, ҳар қандай тарзда миллий давлат-

чилик учун курашнинг асосида халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқи ётади. Бу ўз навбатида сиёсий фалсафада ҳам ифодаланиб «суверенитет», «қонунийлик», категориялари мазмунида мустаҳкам ўрин олди.

Бироқ Совет давлати шароитларида «халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқи» ҳам, «суверенитет» ҳам ўзига хос талқин этилган. Хусусан, собиқ СССР нинг барча Конституцияларида «иттифокдош Республика» унвонидаги тузилмаларнинг СССР таркиби дан эркин чиқиш ҳуқуқи сақлаб қолинади. Улар суверен деб кўрсатилгани ҳолда, бу ҳуқукдан қандай фойдаланиш қонун–қоидалари тўғрисида лом-мим дейилмаган.

Ҳозирги замонда «миллий демократик давлат», «миллий давлатчилик ва демократик жамият» тушунчалари кўпроқ ишлатилмоқда. Унга хос бўлган жиҳатлар қуйидагиларда ўзининг аниқ ифодасини топади:

- демократик нормаларга таянадиган ҳуқуқий давлат:
- демократияга зид бўлмаган ҳолда тарихий анъаналар ва жамият ҳаётининг муҳим соҳаларидаги миллий хусусиятларнинг сақланиши:
- барча фуқароларнинг тенглигига асосланган миллий сиёсат олиб бориш:
- унинг геосиёсий мавқеи иқтисодий, маънавий ва ҳарбий техник имкониятига, салоҳиятига мос бўлиши:
- фуқаролар ижтимоий онгида демократик тафаккурга амал қилиниши:
- мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориши:
- ўз тараққиёт йўлини мустақил танлаши ва амалга ошириши:
- ўз қобиғида яшаш мумкин эмаслиги қоидасига таяниш, очиқ демократик давлат ҳисобланади. Бу миллий давлатчиликнинг демократик жамиятга зид эмаслигини кўрсатади.

XX асрнинг сўнгги чораги бутун дунё бўйича демократиянинг ғолибона тарқалиш даври бўлди. 1998 йилда мавжуд бўлган 191 мамлакатдан 117 таси ёки 61, 3% да эркин, яширин, умумий тенг ва нисбатан адолатли сайловлар ўтказилди. 1974 йилдан кейин 89 та автократия мамлакатларида демократик тартиботга ўтилди.¹⁾

Бу миллий давлатчилик негизларини демократия билан боғлаган ҳолда амалга оширилган пайтдагина кутилган самарани беради, дейиш мумкин.

«Мустақиллик, Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берди. Ўз мустақиллигини, эркинни қўлга киритган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади» деб таъкидлайди И.А.Каримов.

Ўзбекистон ҳам ўзининг миллий давлатчилигига хос бўлган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Бу: «,, бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга асосланган демократик ҳуқуқий давлатни, фуқаролик жамиятини барпо этиш» деган ғояда ўз ифодасини топди. Ҳамда бу жамиятнинг олдида турган мақсадни таъкидлар

*Социология. Маъруза матни. – Т: 2000 йил. 125- бет

экан Президент И.А.Каримов шундай дейди: «Биз курадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тиклаши: инсоннинг маънавий ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак». Бу ерда гап «умуман демократик жамият қурилиши тўғрисида кетмаётганлигини аниқ ҳисобга олиш муҳим. Асосий мақсад «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» тўғрисида бормокда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон кураётган демократик жамиятнинг бошқа жамиятлардан фарқли жиҳатлари, ҳамда умумий томонларини ҳам аниқлаш муҳим.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Мазкур фан фуқароларимизнинг Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг, мамлакатда белгилаб олинган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга эришиш мақсадлари билан ўзвий боғлиқлигини ҳис этишга, унинг фаол иштирокчиларига айланишига яқиндан ёрдам беради.

Т а я н ч и б о р а л а р :

Давлат мустақиллиги, янги давр, «Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўли», фуқаролик жамияти, эркинлик, демократия, Конституция. Қонун устуворлиги, миллий давлатчилик, демократик жамият, демократик жамиятнинг маънавий негизлари, миллий-маънавий қадриятлар, ижтимоий ҳаёт ва демократия, сиёсий ҳаётнинг демократик тамойиллари, Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, Ўзбекистон ва жаҳон ҳам жамияти, Ўзбек модели, назария ва амалиёт, асосий тушунчалар, қонуниятлар, инсон ҳуқуқлари, дунёвий давлат тамойиллари.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2010 йил.
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Танланган асарлар. 1 том. Т., 1996 йил
- 3.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Танланган асарлар. 3 том. Т., 1996йил.
- 4.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Танланган асарлар., 8 том Т., 1998 йил.
- 5.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Танланган асарлар.6 том. Т. , 1999 йил.
- 6.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт–пировард мақсадимиз. Танланган асарлар. 8 том. Т., 2000 йил.

- 7.Каримов И.А. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» Т., 2002 йил.
- 8.Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» маърузаси (2005 йил 28 январ)., Т., 2005 йил
- 9.Каримов И.А. «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият» маърузаси (Халқ сўзи 2005 йил 8 декабр).
- 10.Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т., Маънавият., 2008 й.
- 11.Каримов И.А. “Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз.” Т.: “Ўзбекистон”, 2009 йил
- 12.Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси:” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010
- 13.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010.
- 14.Каримов И.А “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” – Т.: “Ўзбекистон”, 2010
- 15.И.А.Каримов “ Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобини ўрганиш бўйича ўқув -услубий қўлланма. Тошкент. 2012 йил
- 16.Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Т., 2003 йил. 7-44, 148-210, 263-292, 289-452 бетлар.
- 17.Шарифхўжаев М., Шодиев Н. Ўзбекистон - конституциявий давлат. Т., 2003 йил
- 18.Эргашев ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Т., 2005 йил. 7-41 бетлар.

Қўшимча адабиётлар :

- 1.Азизхўжаев А.А. «Давлатчилик ва маънавият». Т., Академия. 1997 йил
- 2.Т.Рисқиев., С.Ғуломов., К.Назаров ва бошқалар. Истиклол, демократия ва фуқаролик жамияти. Т., 2003 йил. , 15-27 бетлар.
- 3.Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. Т., 2001йил. 109-118 бетлар.
- 4.Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Маърузалар матни.(Азизханов А раҳбарлигида) Т. , 2001 йил
- 5.Мунавваров З. Дунёвий давлат ва дин. Т., 1998 йил, 5-16 бетлар.
- 6.Дустжонов Т, Хасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида.Т.,2004
- 7.Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти., Т., 2002 йил

2 – М А В З У :

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ДАСТЛАБКИ ҚАРАШЛАР ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Р е ж а :

1. Ўзбекистон заминида адолатли жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ва унинг манбалари.
2. Форобий, Ибн Сино, Амир Темур, А.Навоий ва бошқаларнинг давлатни бошқариш ва адолатли жамият қуришга доир ғоялари.
3. Жаидлар қарашларида миллий-демократик тамойиллар, Ўзбекистонда давлат ва жамият қуришнинг «советча» кўриниши ва унинг оқибатлари.
4. Миллий мустақиллик ва демократик ўзгаришлар сари йўл тутилиши

1. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиш шарофати билан биз ўтмиш тараққиёт йўлимизни ҳеч бир мафкуравий ақидасиз ва ҳар томонлама ёритиш имкониятига эга бўлдик.

Президент И.А.Каримов тарихчи олим ва журналистлар билан бўлган учрашувда «Хозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки, умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузоллар, олиму-уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган»¹, дейди. Дарҳақиқат, Мовароуннахр оралигида пайдо бўлган улкан, давлатчилик маданий мероси инсоният тарихи ибтидо-сида энг дастлабки ҳамда қадимий давлатчилик маданияти сифатида маълум. Айни пайтда, бундай мерос мустақиллигимиз шарофати билан миллий давлатчилик тўғрисидаги таълимотларни ўрганиш имкониятларини очиб берди.

Ўзбекистонда миллий давлатчилигимиз тўғрисидаги энг қадимги манба «Авесто»дир. У эрамиздан олдинги 3 мингинчи йилларда аждодларимиз томонидан яратилган илк давлатчилик тўғрисидаги ижтимоий қараш ҳисобланади. Агар «Авесто» да илгари сурилган ғояларга эътибор берадиган бўлсак, бугунги адолатпарвар-демократик жамият барпо этишга қаратилган ғояларимиз билан ҳамоҳанг эканлигини кураимиз.

Давлатчилик асосларини шакллантириш борасида «Авесто»да барча ижтимоий масалалар, қадимги географик тушунчалар, этник жамоалар, вилоят ҳудудлари, уларнинг номлари, қадимги мамлакатларнинг руйхати, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ва сиёсий тузум асослари, зардуштийларнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақидаги

1Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998йил.3бет

маълумотларни ўз ичига қамраб олади. Унда, аввало, инсон эрки, комиллиги, руҳий соғломлиги масалалари устувор қўйилади.

«Авесто»да «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман» дейилади. Ясна (14) китобида. Ахурамазда, инсонлар ўртасида бўлаётган муносабатлар ўзаро самимийлик, хурмат, беғаразлик, ёрдам ва оқибатли бўлиш зарурлигига, ёмон фикрлардан холи бўлишга ишора қилади. Каттага хурмат ва кичикка иззат, сабр-бардош, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва бошқа бир қатор тамойиллар миллий ғоямизнинг асосий тамойилларига уйғун келади.

Ғояларнинг бундай тарзда қўйилиши дунё ана шу кучларнинг ёнма-ён яшашидан иборат, деган фалсафанинг моҳиятини англашга ундайди. Шу тариқа «Авесто» ўша замонда яшаган одамлар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришда давлатга бўлган эҳтиёж ва зарурият ўлароқ юзага келган бўлиб ҳисобланади.

«Авесто»да инсон ҳаёти ва одамлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳуқуқига асосланганлиги ҳақида маълумот бор. Ҳақиқат, яхши сўз ва мақсад, поклик ва эзгуликка интилиш, сув, ер, олов, чорвани асраб-авайлаш ахлоқий бурч бўлиб саналган. Инсон ўзининг ишлари ва фикрлари билан, яхшилик, ёруғлик ва бахт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат берувчи олий тангри Ахурамаздага ёрдамчи бўлиб хизмат қилади.

Оила ва жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдномани бузиш катта гуноҳ ҳисобланган:

«О Спитама шартномани бузувчи киши бутун мамлакатни бузади, шу билан бирга Артага тегишли барча мулку-молларга путур етказди. О Спитама, аҳдингни бузма» («Яшт», X боб).

«Авесто» нинг «Ясна», «Видевдат» китобларида илгари сурилган ҳуқуқий таълимотлар Рим ҳуқуқидан қадимийроқ ҳисобланади. Шу тариқа «Авесто» Грек мутафаккирлари ва Рим ҳуқуқшунослари билан бирга таъсир курсатган. Жумладан, инсон ҳуқуқи, жисмоний ва ҳуқуқий шахс эркинлиги, инсон эркинлиги, эркак ва аёлнинг тенглиги масаласи, озчиликнинг ҳуқуқи, вояга етмаганлар ҳуқуқи, виждон, эътиқод ва дин эркинлиги, жамоа ва гуруҳларнинг ҳуқуқи, мол-ҳол ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, ҳимоя ҳуқуқи ва суд ишларини юритиш ҳамда ташкил этилгани каби бошқа ҳуқуқий тамойиллар ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари «Авесто»даги адолатли қонунлар ва яхши ҳокимлар тўғрисида илгари сурилган ғояларга таяниб айтиш мумкинки, улар умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ бўлган демократик таълимотларнинг назарий қурилишлари сифатида ўз ифодасини топган.

2. Инсон табиатан эркинликка, эзгуликка, интилиб яшайди. Бундай эҳтиёжларнинг барча учун ҳам умум бўлган қоидаларини ва уларнинг тартиботларини ташкил этишдан давлатга бўлган эҳтиёж вужудга келади. Айни пайтда, кишилиқ жамиятининг ўзаро урушлар ва ихтилофлар ғоя сифатида вужудга келган. IX ва XIII асрлар Ўрта Осиё тарихида мураккаб

давр бўлган. Халқнинг ўз мустақиллиги учун курашиши, бунда хуррият ва инсон эркинлиги билан ғоялар миллатни маънавий юксалишга чақиради. Бу даврда дунёга машҳур: Хоразмий, Фарғоний, Абу Носир Форобий, Ибн – Сино, Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Низомулмулк каби файласуф, сиёсатчи, тарихчи олимлар, яшаб ижод этдилар. Бу давр Ўрта Осиё уйғониш даври деб тарихга киради. Уйғониш даври маданиятининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар давлатчилигимиз назариясининг вужудга келишида қуйида гиларга асосланган.

1. Дунёвий маърифатга интилиш, ўтмиш ва қўшни мамлакатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, айниқса табиий-фалсафий, диний, тарихий ҳамда ижтимоий илмларни ривожлантириш.

2. Табиатга қизиқиш, табиатшунослик илмларининг ривожини, ақл кучига ишониш, асосий эътиборини ҳақиқатни топишга қаратган фанларга бериш, ҳақиқатни инсон тасаввури, илмининг асоси деб ҳисоблаш.

3. Инсонни улуғлаш, унинг ақлий, табиий, рухий бадий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик, юқори ахлоқий қонун ва қоидаларни намоён этиш, комил инсонни тарбиялаш.

4. Универсаллик - қомусийлик, барча табиат ходисалари билан қизиқиш ва унинг моҳиятига интилиш.

5. Давлат қурилиши ва бошқарувининг назарий негизларини адолат, ахлоқ тамойилларида шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий ҳамда амалий асосларини ривожлантириш.

6. Давлат раҳбари ва хизматчиларининг фаолият даражалари масъулияти мезонлари тизими назарий негизларининг яратилиши.

Шу даврнинг йирик намоёндаларидан бири Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шахри» асарида инсоният жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий-давлатга бўлган эҳтиёжларининг пайдо бўлишини, унда адолат ва ахлоқнинг шаклланиши қонуниятларини назарий жиҳатдан яратилганлиги билан машҳурдир.

Шу тариқа олим давлат шакллари ва унда бошқарувнинг мунтазам, изчил сиёсий тизимини яратишга эришади. Масалан, фозиллар шахрининг (давлат назарда тутилган) таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қурилишининг бевосита назарий талаблари билан уйғун келади. Бу борада А.Н.Форобий— «уларнинг ўзларида сайланган раҳбарлар ёки бошқалар ҳокими мутлақ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла, озодликка чақирадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар»¹ деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий қадриятларни тизимлаштиради. Эътиборли жихати шундаки, Форобий қарашларидаги «ҳокими мутлоқ бўлмаслиги»,

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.: 1993 йил. 190 бет

«сайловчилар идораси», «озодлик» каби фикрлари нафа кат ўша даврда, балки бугунда ҳам инсоният маданияти ноёб махсули хисобланган демократиянинг бош ғояси бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда, Форобий фозил шаҳарларнинг (давлатнинг) зидди бўлган шаҳарларнинг ижтимоий моҳиятини очиб берадики, унда разолат ва бадбахтлик шаҳри, амалпараастлар, ҳокимпараастлар ва ҳоказо турларини кўрсатади.

У бундай мамлакатни “жоҳил мамлакат” дейди. Фаробий фикрича, бундай жоҳил мамлакат аҳолиси ҳеч маҳал бахт деган нарсани билмаган, бу ҳақда ҳеч қачон бош қотирмаган ва ҳаётига ҳам келтирмаган бўлади. Улар бахт деган нарсага ҳеч маҳал ишонмайдилар ва интилмайдилар. Уларга бойлик, кайф -сафо, улуғ -мартабали бўлиш, шон- шухратга эга бўлиш каби-лар улуғ бир бахтдир. Жоҳил мамлакат аҳолиси энг ибтидоий зарур нарсалар билангина чегараланадилар. Улар очидан ўлмаслик учун овқат ейиш, ялонғоч юрмаслик учун кийим – кечак кийиш, кўчада қолмаслик учун турар жой топиш каби элементар ҳаёт шароитлари билан чегараланиб қоладилар. Бундай мамлакат ҳукмдорлари дунёда ейиш, ичишдан иборат кайф-сафо билан чекланиб, сезги ва тасаввур алдовига берилиб кетадилар, бир-бирларини мақташ ва улуғлаш билан фахрланадилар. Бундай мамлакатнинг бошлиғи, ўзини жуда ҳам зур мартабали, ҳақиқатпарвар кўрсатади, аслид аёса ёлғончилик, фирибгарлик билан иш куради. Жоҳил улкалар ҳукмдорлари, дейди Форобий ишни ўз мақсад ва ниятларини кўзлаб олиб борадилар.

Давлат бошқарувига дахлдор масалалар Юсуф Хос Хожиб ижодида ҳам катта ўрин тутди. У «Қутудғу билиг» достонида давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ва сиёсий-ахлоқий муносабатларнинг жамиятда қарор топишига қаратилган қарашлари билан эътиборлидир.

«Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир исътедод билан туғиладилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш хусусиятига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса, яхши иш юритиш укуви билан ҳам сийлайди»¹, - дейди. У жамият ривожига ва тақдири учун масъул бўлган шахсларнинг давлат бошқарувидаги сифатлари муҳимлигига қаратади. Масалан, у зиёлилар тўғрисида шундай дейди: - «Ҳақиқий зиёли ҳақиқат таянчи бўлади. Агарки, оламда донишлар бўлмаганда, ерда ризқ-рўзунмас эди. Уларнинг зиёси халқ йўлини ёритувчи машъалдир. Донишмандларга ширин сўз билан баҳра бер, моддий манфаатини қондиришга ҳаракат қил»¹

Унга замондош бўлган қомусий олим Ибн-Сино Ўрта Осиё табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий фикрларнинг буюк намоёнчаси тиббиёт фалсафа, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий таълимот тарихига улкан хисса қўшган мутаффакирдир.

У ёзган 450 дан ортиқ асардан 160 таси бизгача етиб келган. Унинг «Ишорат ва Танбихот», «Рисолату тадбири манзил», «Қуш тили» каби

1. Юсуф Хос Хожиб, Қутадғу билиг. Т.: Фан., 1971 йил. 329 бет

асарлари бевосита давлат бошқарувининг адолатпарвар ва ахлоқий асосларига бағишланади.

Адолатли давлат бошқаруви, унинг мукаммал тизимини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутаффакири Низомул-мулкнинг «Сиёсатнома» асари муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиладиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмасликни, давлатни бошқаришда кенгаш билан иш олиб бориш, фаолиятларни мунтазам назорат қилиш, итоат ижро ва сифатлари тўғрисидаги фикрлари билан аҳамиятлидир.

Айниқса, унинг— «Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тadbир энг савобли бўлади ва шундай йул тутиш керак» деган қарашлари аждодларимизнинг давлат қурилишининг демократик тартиботларига нечоғли даражада аҳамият берганлигидан далолат беради.

Бу даврдаги миллий давлатчилик тўғрисидаги қарашларнинг ривожланишида айниқса Амир Темурнинг хизматлари катта бўлди. Унинг тузукларида давлат тизими, уни идора қилиш услублари ва воситалари, ундаги турли лавозим-вазифалар даражаси, табақаларнинг тоифаланиши, харбий Қўшинларнинг ташкил этилиши, жанг олиб бориш маҳоратлари, давлат хизматчилари рағбатини ташкил этиш омиллари, адолатли солиқ турларининг жорий этилиши, мамлакатни ободонлаштириш тadbирлари миллий давлатчиликнинг юксак маданий ва ҳуқуқий даражада шакллантирилганлигидан далолат беради. Бундай сиёсатнинг асос-моҳияти адолатли давлат, инсонпарвар жамият негизларини қарор топтиришга хизмат қилади. Бу борада Араб Ибн Шоҳ шундай дейди: «Темур тамғасининг нақши «рости расти» бўлиб «ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан» демакдир. Унинг отларидаги тамға, тангаю тиллоларига зарб бериладиган белги ҳам мана шундай уч халқадан иборат эди. Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, нахбугорат қилиш ва харом ҳақорат гаплар бўлмасди. Темур қурқмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчан бўлиб, жасоратли кишиларни, доўюрақ ва мардларни ёқтирар эди.

У улар ёрдамида даҳшатли жойлар қулфларини фатҳ этиб, одамлар шерларини ўлжа қилар, улар зарбалари билан баланд, тоғлар чўққиларини вайрон қиларди. У беҳато (нишонга урувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз (даражада) бахтли, улуғворлиги (ўзига) мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, (бошига) қулфат тушганда ҳам ҳақгўй (киши) эди.

Амир Темур ана шундай сифатлар соҳиби сифатида давлат бошқарувининг демократик асосларини яратишга эришади. У мамлакат ишларини доимо, кенгаш, машварат, маслаҳат, хушёрлигу, мулоҳазакорлик, эҳтиёткорлик билан амалга оширганлигини таъкидлайди. Айни пайтда, мамлакат ишларини Кенгаш асосида олиб бориш фуқароларнинг ризолиги ва ихтиёри демак.

Сохибқирон ҳар бир ишда сиёсатни адолат билан амалга оширишга ва бунда турли воситалар асосида унинг изчиллигини таъминлашга эришади.

Яъни адолатга қаратилган мақсадларни адолатли воситалар билан уйғунлаштириш асосида давлат бошқарувининг назарий таълимотларини амалий жиҳатдан бойитадики, салтанатда адолатни таъминловчи асослар юзага келади. Масалан, у, нафақат давлат хизматчиларининг қандай сифатга эга бўлишини балки, шундай сифатлиларни қандай қилиб давлат бошқарувига келишини таъминлашнинг чораларини ишлаб чиқади. У шундай дейди: «Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундан кўп халал ва зиён етгай. Демак, ҳар кимнинг кадр-қимматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак», деб у давлат хизматида салоҳиятли шахслар иштирокини амалий тартибга айлантиради. Жумладан: «Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқлигини билсам, уни тарбиямга олиб, амирлик даражасига кутарар эдим. Сўнгра, кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим»¹⁾, - дейди.

Амир Темур давридаги унинг хизматларининг энг асосийси ва энг буюги унинг давлат арбоби сифатида адолат ғояларига асосланган миллий давлатчилик таълимотларининг ҳуқуқий негизларини яратганлигидадир. У ўз сиёсий фаолиятини шундай хулосалайди: «Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим. Нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимиздан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим, ҳамда хадларидан ошишларига йўл қўймадим. Улуғларини ва шараф-эътиборли кишиларни хурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим»²⁾

Ўз даврининг классик намоёндаларидан бири Алишер Навоийдир. У назариётчи ва амалиётчи сифатида давлат сиёсатининг адолатли асосларини ривожлантиришга катта ҳисса қушади. Адолатли жамиятга эришишда нафақат подшоҳнинг одиллиги, балки фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг адолатли, маънан соғлом бўлиши лозимлигига эътиборини қаратади :

« Оламда бўлмиш ҳар нав одам билан кўришдим: катта - кичикнинг феълү атворини ўргандим: яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим: яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, захрини тотиб кўрдим. Бахл ва пасткашларнинг захмини, саховатли кишиларнинг малхамини кунглим дархол сезадиган бўлиб қолди»³⁾ дейди.

Навоийда инсондаги жуда кўп ижобий хислатлар, чунончи садо қат, вафо, ҳаё, саховат кабилар ҳам адолат билан боғлаб тушунтирилади. Зеро, кишида адолат туйғуси бўлмаса, унда бошқа сифатлар ҳам бўлмайди деб қарайди.

1. Амир Тузуклари. Т., 1996 йил, 81, 83 бетлар

2. Амир Тузуклари. Т., 1996 йил 119 бет

3. Алишер Навоий. Махбуб-ул-қулуб. Т., 1983 йил. 12 бет

Навоий замондошларининг илмий мероси ни кунт билан ўрганган, ўзи ҳам шу йўналишда катта мерос қолдирган.

Ижодкор Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг, давлат бошқаруви ва унинг сиёсати билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ахлоқий масалалар унинг «Бобурнома» асарида атрофлича баён қилинади. Шу билан бирга асарда жамиятни бошқариш асослари, ижтимоий табақаларнинг ўзаро муносабатлари, адолатли ва адолатсиз подшоҳ хусусиятлари, фуқароларга одил муносабати, ахлоқ ва таълим тарбия масалалари ёритилган.

Юқорида таъкидланганимиздек, XIV-XV асрдаги ижтимоий ва маданий юксалиш ўз мазмун-моҳияти билан IX-XII асрлардаги Ўрта Осиёдаги Уйғониш даврининг узвий давоми эди. Хулоса шундаки, бундай маданий меросларнинг монандликка интилиши, унинг даврий уйғунлашуви халқлар ҳаётида тараққиёт ҳамда юксалишга пойдевор бўлган назарий таълимотларнинг ривожланиш босқичларини кузатамиз.

3. Ўзбекистон халқлари давлатчилиқ тарихи ўз тараққиётида бир хилда ривожланган эмас. XVI-XIX асрлар Ўрта Осиё ҳаётида мураккаблиги билан, аввало, Амир Темури империясининг парчаланиши ҳамда ворислар ўртасидаги низолар билан боғлиқ. Доимий ихтилофлар майдонига айланиб қолган Мовароуннахр Шайбонийхон лашкарлари томонидан босиб олинади. Давлатда эгасизлик, бошбоқлик ҳукм суради. Мана шундай шароитда ҳақиқий илм ўрнини диний ақидавий қарашлар эгаллайди. Натижада, аниқ ва табиий фанлар қувғинга учрайди, айниқса математика ва астрономия орқада қолади. Бунинг оқибатида илм-фан ривожининг даражаси кескин пасайиб кетади. Айни пайтда, бу давр олдинги мутафаккирлар илғор ғояларининг ўзаро таъсири заифлашуви билан характерланади. Дин бевосита давлат сиёсатининг асосига, ҳокимият унинг раҳнаmolари қўлида манфаатларини ниқобловчи мафкурага айланади.

Натижада, жамиятда диний тазйиқ кучаяди. Дин пешволари давлат сиёсатига бевосита аралашуши оқибатида бир ёқлама мафкуравий зуғум ортиб боради. Ҳар қандай ижодий хур фикр таъқибга олинади.¹⁾

Мана шу ўринда И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият- енгилмас куч” асаридаги қуйидаги фикрлар муҳимди: “Дунёдаги зўровон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, буйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгаламоқчи бўлса, аввалом бор, уни қуролсизлантиришга, яъни, энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маданиятидан жудо қилишга ўринади²⁾

Мавжуд манбаларни урганиш миллий давлатчилигимизни тарихимизда таназзулга тортган сиёсий курашлар ва ўзаро ихтилофларнинг сабабларини ўрганиш билан бирга, ундан сабоқлар чиқариш имкониятларини ҳам беради.

1. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т., 1995 йил., 182 бет

2. И.А.Каримов. “Юксак маънавият- енгилмас куч”. Т., 2008 йил., 11 бет

Аммо, ана шундай қийин даврда ҳам миллий мустақиллик учун кураш, хуррият билан йўғрилган ижтимоий-сиёсий қарашлар тўхтаган эмас. Бу ўринда жадиदчилик ҳаракатини таъкидлаш лозим.

Жадидлар ҳаракатининг намоёндаси Бехбудий-миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмаслигини биринчи бўлиб таъкидлаган эди. Жадидлар асосий эътиборини жамиятда маънавиятни ривожлантиришга қаратдилар. Улар ўзларининг «Хуршид», «Турон», «Самарқанд», «Ойна», «Тараққиёт», Садойи Туркистон» ва бошқа шу каби газеталар чиқариш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш орқали миллий-дунёвий таълимни юзага келтириш, маънавий ҳаётни янгилаб, бойитиб миллий ўзликни англашни юксалтиришга, яратишга интиланлар.

Туркистонда мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш ва унинг ижтимоий-сиёсий асосларини ёритувчи манбалар Мунавварқори Абдурашидхон, Бехбудий, Фитрат, Авлоний ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

Ўша даврда жадидлар миллий-маданий мухторият қурилиш тамойилларини ривожлантиришга, Туркистонда давлат шакли ва уни бошқариш қонунларини жорий этиш, давлат тузилмаларини яратиш каби масалаларга катта эътибор беришган. Аммо шу давр сиёсий шароити ҳамда ерли халқнинг тушунчасида Туркистонда мустақил демократик жамият қуриш тўғрисидаги қарашлар бирмунча чекланганлигини кўрамыз. Давр воқеа-ҳодисалари баёни, муваффақиятсизликнинг сабабларига М.Чўқайнинг «Истиқлол жаллодлари» асарида қуйидагича таъриф берилади: «Биринчидан, объектив омиллар»: «Биз курашга ўзимиз танлаган фурсатга эмас, Россия инқилоби жараёни келтириб чиқарган вазият ижботи билан киришдик. Иккинчидан, субъектив, яъни ўзимиздан бўлган омиллар: Миллий манфаатлар йўлида курашиш лозимлигини билганлари ҳолда Туркистонликлар ўзаро кучли бирлик қура олмадилар ва бунга улгурмадилар»¹⁾. Мустақилликка эришиш учун афсуски кураш турлича тушунилан ва унга турлича ёндашилган.

Аммо миллий озодлик ҳаракатининг мағлубияти, кўплаб зиёли намоёндаларнинг қатағон қилиниши уларнинг интилишини тўхтатган эмас. Уларнинг мустақиллик учун олиб борган кураши 30-40 йилларда, кейинчалик 50-60 йилларда ҳам турли сиёсий кўринишларда давом этиб борди.

20-30 йилларда миллий мустақиллик учун курашган ўзбек халқи фарзандларидан 800 мингдан ортиғи сиёсий қатағонга учраганлар.

1939-53 йиллар орасида 61799 кишига сиёсий айб қўйилиб, 56112 киши жавобгарликка тортилган. Жумладан, уларнинг 7100 таси ўлимга ҳукм қилинганган 1984-1989 йиллар давомида ҳар хил баҳоналар билан ўн минглаб раҳбарлар ишдан олиб ташланди. 1984 йил 6 июндан 1988 йил 6 июнга қадар Гидлян ва Ивановлар бошчилигидаги терговчилар гуруҳи 58 минг

1. М.Чўқай. Истиқлол жаллодлари. Т., Ғ. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1992 йил., 6 бет

кишини ҳар хил уйдирма, бухтонлар билан ишдан олиб ташлаганлар. Уларнинг кўпчилиги раҳбар кадрлар эди.

Жамият ҳаётида шундай ҳодисалар юз бериши мумкинки, улар аста-секинлик билан кундалик турмуш мавжларидан қудратли тўлқинларга, майин шабадалардан бўронлари шиддатли довулларга айланади. Коммунистик мафкура 80- йилларга келиб ўз келажаги унчалик ҳам ёруғ эмаслигини, узоққа бора олмаслигини пайқай бошлади. Бу оғир вазиятдан қандайдир йўл топиб чиқиш талвасасига тушиб қолди. Шундай қилиб, коммунистик партия истаса-истамаса ўз мафкура ва ғояларини қисман ўзгартириши, иш услубининг янги шакллари излаб топиши керак эди. Юқоридаги ҳаракатларнинг махсули сифатида Горбачевча «қайта куриш» сиёсати вужудга келди.

Қайта куриш сиёсати мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштириш фуқароларнинг ҳақ - ҳуқуқларини кенгайтириш борасида маълум даражада ижобий силжишларга олиб келди. Бу ҳол манзаранинг ташқи кўриниши эди.

Аслида машҳурлик даъво қилиш, йирик мансаб курсиларини эгаллаш касалига учраган «демократлар» ўйини авж олди. Собик Совет Иттифоқининг турли бурчакларида шиорбозликлар, митингбозликлар, шармандали бир-бирини инкор этувчи ҳар хил ҳаракатлар юзага келди. Бу эса мамлакатда маънавий муҳитни лойқатиб юборди.

Натижада, Грузияда, Тбилиси, Озарбайжон ва Арманистоннинг тоғли Қорабоғ, Қирғизистонда Ўш, Ўзбекистонда аввал «пахта иши», кейин Фарғона, Андижон, Гулистон, Бўка ва Паркент воқеалари юзага келди.

Мана шундай қалтис вазиятда, 1989 йил 23 июнда И.А.Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида иш бошлади. Қисқа вақт ичида у Ўзбекистонда вужудга келган ижтимоий танглик шароитини барқарорлаштиришга қаратилган янги миллий сиёсатни шакллантиришга эришди, Натижада, сиёсий барқарорлик, фуқаролар ва миллатларaro низоларнинг олди олинди.

4. Давлат бошқарувида босқичма-босқич демократик тамойиллар мустаҳкамланди, -Ўзбекистонда мустақил давлат ташкил этилишининг барча сиёсий ва ҳуқуқий заминлари яратилди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Асосий вазифа мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, бозор иқтисодиётини вужудга келтириш ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлаш бўйича қатъий ва изчил сиёсат юргизишдан иборат бўлди.

Президент И.А.Каримов «Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, адолат тамойилини устувор принцип сифатида эътироф этамиз», деб Ўзбекистонда адолатпарвар демократик жамият қуришнинг назариясини миллий давлатчилигимизнинг уч минг йиллик тарихий ҳамда маданий мероси билан боғлашга қаратади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуришнинг назарий негизлари қуйидаги йўналишларда ташкил этилди:

- Мустақилликнинг ҳуқуқий - меъёрий асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси негизида ташкил этиш;
- демократик сиёсий тизимни барпо этиш;
- инсон ҳақ – ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш;
- ҳокимиятлар бўлиниши тамойилларига амал қилиш;
- миллатлараро тотувликни таъминлаш;
- миллий хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқиш;
- иқтисодий ислохотларнинг «Ўзбек модели»нинг яратиш;
- Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш, миллий қадриятларни тиклаш, садоқатли ёш авлодни тарбиялаш ва амалиётга жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш;
- миллий истиқлол моҳиятини ва мустақиллик ғояларини англаштириш;
- мустақил Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айлантириш ҳамда ташқи сиёсат тамойилларини ишлаб чиқиш.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Йўлимиз-мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли» «Истиқлол ва маънавият», «Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари», «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда», «Бизнинг бош мақсадимиз-мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилиш» ва бошқа асарларида Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг методологик асослари ҳамда устувор йўналишлари ишлаб чиқилган. Инсоният ХХI асрга кириб борар экан, ўтган давр давомида «иқтисодиётни ислох этиш ва жамиятни ўзгартириш борасидаги ишлар натижасини холис баҳолаш, устувор йўналишлар ва бундан кейинги ривожланиш стратегиясини шакллантириш янги аср бўсағасида турган давлатлар учун хос бўлган умумий хусусиятдир»¹⁾.

И.А.Каримов томонидан ХХI аср бўсағасида ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Биринчи - мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш:

Иккинчи - жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига

1.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда. Т., 1999 йил.

таянадиган, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, айтишда ҳақиқат манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

Учинчи - кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир, кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади .

Тўртинчи - устувор йўналиш-халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсишини таъминлашни, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлашни тақозо этади.

Бешинчи - устувор йўналиш- бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдир.

Олтинчи- устувор йўналиш- жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро, тотувликни сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат ¹⁾.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги (2005 йил 28 январ) «Бизнинг бош мақсадимиз-жамятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» деган маърузасида « Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади- бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадрият ларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай изчил ва қатъият билан боришдир» деб таъкидлади.

Т а я н ч и б о р а л а р

“Авесто”, Ахурамазди, Ахриман, Зардушт, сиёсат, тасаввуф, миллий давлатчилик, миллий озодлик, Ал- Хоразмий, Фаробий, Беруний, Фарғоний, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Низомулмулк, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ахмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақш банд, А.Темур, Темур тузуклари, диний ва дунёвий илм, М.Улуғбек, А.Навоий, З.Бобур, жадидлар, мухторият, мустақиллик, демократик жамият.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010 й
- 2.Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т., Маънавият. 2008 й
- 3.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Танланган асарлар 6. Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил. 31-40,125-135,149-162 бетлар.
- 4.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқда. - Танланган асарлар., «Ўзбекистон»., 2000 йил ., 6, 8-12, 14-15, 16-26, 28-38, 47-48 бетлар.

5. Ислом Каримов. «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилишдир» Т., Ўзбекистон., 2005 йил. 34 бет
6. Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч» Т., Маънавият., 2008 й.
7. Каримов И.А. «Ватанчимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз.» Т.: «Ўзбекистон», 2009 йил
8. Каримов И.А. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси:» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: «Иқтисодиёт» нашриёти, 2010.
10. Каримов И.А «Асосий вазифамиз – Ватанчимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» – Т.: «Ўзбекистон», 2010
11. И.А.Каримов « Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганиш бўйича ўқув -услубий қўлланма. Тошкент. 2012 йил
12. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри - Т.: Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти, 1993 йил.
13. Азизхўжаев А.А. Демократия-халқ ҳокимияти демакдир –Т.: 1996 йил.

Қўшимча адабиётлар :

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1., - Танланган асарлар. «Ўзбекистон». 1996 йил., 36-49, 76-85, 104-108, 123-130 бетлар.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби., Т., 5 – Танланган асарлар: «Ўзбекистон», 1997 йил., 207-217 бетлар.
3. Каримов И.А «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир». Т., 2005 йил
4. Алишер Навоий «Махбуб ул-қулуб» - Т.: «Адабиёт» нашриёти, 1996 йил
5. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т. : 1998 йил
6. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. –Т.: «Академия», 1997 йил

3 – М А В 3 У:

МУСТАҚИЛЛИК ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНING «ЎЗБЕК МОДЕЛИ».

Р е ж а :

1. Ўзбекистонда миллий мустақиллик ва демократиянинг узвий боғлиқлиги.
2. Миллий давлатчилик ва демократик ғояларининг назарий ва ҳуқуқий асослари.
3. Демократияни чуқурлаштиришда инсон фаоллиги.

1. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгач, келажакда қандай йўлдан бориш масаласи кўп тартибга қўйилган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон давлатининг суверенитетлиги, мустақиллиги ҳақида гапирар экан, шундай дейди: «Биз учун мустақиллик, -энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий кадриятларни урф-одатларни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу Ватанда, ҳар бир хонадонда тинчлик, осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Биз учун истиқлол-давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажакимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир».

Хусусан, XX асрнинг сўнгги йилларида Ўзбекистонда бир қатор объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Унинг объектив сабабларидан бири жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча давлатларга мос келадиган бирон-бир тайёр андозасининг йўқлиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслиги эди. Иккинчи объектив сабаб-маъмурий буйруқбозликка асосланган тузумга хос ижтимоий муносабатлар ва қоидалар эндиликда Республикада барпо этилаётган янги ижтимоий йўналтирилган, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат манфаатларига мос келмаслиги эди. Мулкчилик ва уни бошқариш, ишлаб чиқаришдаги инсон омилининг ортишини ҳисобга олган ҳолда давлатни бошқаришнинг бу тунлай янги шаклини вужудга келтириш зарур эди. Демак, биринчидан ҳар бир давлат демократик тараққиёт йўлига кириши учун маълум бир муддат талаб қилинар эди. Иккинчидан, вақтни қўлдан бой бермасдан, ривожланишнинг тарихий жиҳатдан асрлар мобайнида шаклланган анъаналари асосида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ишлаб чиқиш зарур эди.

Халқаро ҳамжамият тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мустақилликнинг илк асноларида вужудга келган муаммолар ечимини излашда сусткашликка йўл қўйиш оғир ижтимоий ларзаларга олиб келиши мумкин. Зотан, ҳар қандай ечилмаган муаммо яна бошқа қатор хавф-хатарларни келтириб чиқариб давлат тараққиётининг анча мураккаблашишига олиб келади.

Демак, мамлакат тақдири учун масъулликни ўз зиммасига олган ҳокимият тузилмаси бу борада бир нафас ҳам беғамликка йўл қўя олмайди, доимо уйғоқ ва ҳаракатда бўлади. Дарҳақиқат, мустақиллик бир томондан, миллий тараққиёт йўлини эркин танлаш борасида улкан масъулият юкласа, иккинчи томондан эскиликка барҳам бериш ва янги жаҳиятга асос яратиш учун бекиёс имконият яратади. Шу нуқтаи назардан, мустақилликни демократия учун энг зарур шарт-шароит деб атасак бўлади.

Ўтмиш, бугун ва келажак – бир-бирига туташган бундай тарихий пайтларда мустақиллик даврини кечираётган ҳар бир давлат бир томондан, демократия борасида жаҳон халқлари орттирган бой тажрибадан миллат манфаатлари йўлида фойдаланишга мажбур бўлганини, иккинчи томондан уни ўзига хос ноёб бир шароитда жорий этиш билан боғлиқ муаммога дуч келганлигини тарихий тажрибалар кўплаб мамлакатлар мисолида тасдиқлаган.

Ана шундай зиддиятли ва мураккаб бир пайтда Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигини демократиянинг узвий боғлиқлигини таъминлаш орқали ҳал этиши мумкин эди. Бу масалани ҳал этиш жараёнида давлатимизнинг сиёсий раҳбарияти ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан турли қаршиликларга дуч келди. Мамлакат ташқарисида, айниқса, собиқ марказдаги «сиёсатчи кароматчилар»нинг халқимизнинг дунёқарашини заҳарлаш мақсадида «Сизлар мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар ! », «Сизлар муте, қарам миллатсиз ! », «Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, сизлар бажарасизлар, холос» деган ғаразгўй фикрлари оммавий ахборот воситаларидан ўрин олар эди. Мамлакат ичкарисидagi айрим аламзада партократлар «Энди халқ марказсиз яшай оладими?» Республикада ижтимоий-сиёсий бар қарорлик таъминланадими?» - деб хавотирланишса, «Ўзбекистонда қандай жаҳият қурилади?» каби саволлар га эса ҳар ким ўзича жавоб қилар эди.

Президент И.А.Каримов ибораси билан айтганда «вазият шундай ҳолга келган эдики, мустақил Ўзбекистон қайта дунёга келган куни ёқ, оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди..» Бундай шароитда Ўзбекистон учун ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаш, миллий мустақиллик ва демократиянинг умумбашарий тамойилларига асосланган ўз андозасини ишлаб чиқиши лозим эди. Ана шундай улуғ маъсулиятни ўз зиммасига олган И.А.Каримов Ўзбекистоннинг раҳбари сифатида асосан икки нарсани муштарак ҳолда олиб борди. Улардан бири-мамлакатимизнинг ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасини ўрганиш ва уларнинг бизга мақбул жиҳатларини ижобий жиҳатдан ўзлаштириш бўлса, иккинчиси -Ўзбекистон халқининг турмуш тарзи менталитети ва анъаналарига таянишдан иборат бўлди. Унга Ислоҳ Каримов томонидан таклиф қилинган беш асосий тамойил асос қилиб олинди.

Мустақилликнинг демократик асосларини чуқурлаштириш ва муваффақиятли фаолият юритиш учун Ўзбекистон айнан шу йўлни тутди. Натижада демократия мамлакатимиз миқёсида назариядан амалиётга ёки мавхумликдан «Ўзбекистон модели»га айланди.

Президент И.А.Каримов Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ишлаб чиқиб, давлат сиёсатининг стратегиясини аниқ - равшан кўрсатиб берди. Иқтисодий барқарорликни миллатлараро тинчликни таъминлаш, тотувлик ва осайишталикни сақлаш, фуқароларга эркинлик бериш, жамиятда маънавий янгиликни учун барча шароитлар яратиш лозимлигини, ёш авлод тарбиясига катта эътибор бериш кераклигини, ҳуқуқий давлатда қонун устувор бўлишини алоҳида таъкидлади.

И.А.Каримов Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини ишлаб чиқар экан, ўтмишдан - собиқ Совет тузумидан мерос бўлиб қолган тажрибадан сабоқ чиқарди. Хусусан, мустақил тараққиётнинг дастлабки йилида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқур таҳлил қилди. Шу асосда «Сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш - танлаб олинган йўлнинг асосий мазмун ва моҳиятидир» деган хулосага келди.

Бу мураккаб ўтиш жараёни, яъни ҳокимиятнинг халқ кўлига ўтиши миллатдан, энг аввало, батамом янги ғояни қурол қилган сиёсий раҳбариятдан матонат, сабр-бардош ва сиёсий уддабуронликни талаб қилар эди.

Шу кунлардан эътиборан, Ўзбекистоннинг барча масалаларда ўзини кўп жабхаларда суверен деб ҳис этиш қобилияти тобора ортиб бораётган эди. Ислоҳ Каримов бошлиқ сиёсий раҳбарият давлат суверенитети шунчаки қоғозда эмас, балки бегумон амалга ошириш, аввалам бор кўп миллатли Ўзбекистонликларнинг хоҳиш иродаси эканлигини барчага ошкора эълон қилди. Марказ томонидан уюштирилган барча даражадаги форумларда Ўзбекистонликларнинг миллий мустақилликка бўлган ҳақ-ҳуқуқларини Ислоҳ Каримовнинг дунё ҳамжамиятига рўй-рост айтганлиги ва уни қаттиқ туриб ҳимоя қилганлигидан ҳамма хабардор.

«Ўзбек модели»нинг бугунги кунда демократик жамият барпо этишда муҳим ўзига хос модел эканини дунёнинг жуда кўплаб сиёсатшунос етакчи олимлари ўрганмоқда ва уни таҳлил қилмоқдалар. Масалан, Россиялик тадқиқотчилар Гафарли М.С., Касаев А.Г., Германиялик Л.Левитин, Россия Фанлар Академиясининг академиги Ф.Бурлацкий уни юксак баҳолашган.

2. Ўзбекистон Республикасида Давлат мустақиллигининг эълон қилинишини унга қадар амалга оширилган ўзига хос сиёсий тайёргарлик, умумхалқ сафарбарлигининг қонуний натижаси ва кенг миқёсли демократик ўзгаришлар учун шароит яратган буюк тарихий воқеа деб қараш тўғри бўлади. Айнан шундан эътиборан, Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳудудимиздаги барча таркибий қисмларда, яъни давлат ҳокимиятининг қуйидан юқоригача барча бўғинлари, ер-ости ва ер усти ресурслари, давлат бошқаруви муасса-

саларининг барча тармоқлари, миллатнинг моддий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда ташқи алоқаларнинг барча йўналишларида танҳо миллий мустақилликни билдирар эди. Эндиликда, Ўзбекистонга нисбатан дунёнинг барча давлатлари тўлақонли мустақил субъекти сифатида ва туб манфаатларининг бирдан-бир расмий ифодачиси эканлигини тан олган, ўзаро самарали муносабатлар ўрнатишга муносиб, халқаро сиёсатнинг мустақил, дахлсиз субъект сифатида муносабат билдириш лари учун зарур ҳуқуқий сиёсий асос яратилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, босқичма-босқич янгилашни ва тараққиётнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаб, кучли ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуришга киришди. «Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат» - деб таъкидлайди И.А.Каримов, -бу мустақил демократик ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги таъминланишидир.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардир:

1. Ўзбекистон-суверен демократик давлат бўлиб, унда бирон синф, сиёсий партия, табақа ва гуруҳнинг диктатураси бўлмасдан, барча фуқароларнинг манфаатлари кафолатланади. Республикада инсон, унинг ҳаёти, эркинликлари, шаъни, кадр – қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

2. Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси бу-жамиятда қонуннинг устуворлик принципи. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслари, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ўз иш фаолиятларида Конституция ва қонунларга амал қилишлигидир.

3. Ҳуқуқий давлатда, давлат ва жамият ишларини бошқариш учун касба уюшмалари, партиялар, турли жамиятлар, хотин-қизлар, фуқаролар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, жамоат бирлашмалари тузилишига Конституцияга биноан йўл қўйилади.

4. Давлат ҳокимиятининг демократик асосда ташкил этилиши, Республикада давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципларининг мавжудлиги.

5. Инсоннинг яшаши ва фуқароларнинг эркинликка, дахлсизликка ва хавфсизликка эга бўлишдек асосий ҳуқуқларнинг берилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

6. Давлат органларига сайлов тизими умумий, тенг, тўғридан-тўғри, эркин сайлаш асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Хусусан, 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Мустақил давлатимиз ғояларининг назарий ва ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда унинг шакллантирилишида - собиқ иттифокда биринчи бўлиб, 1990 йил 24 мартда (12 чақириқ Олий Советининг биринчи сессиясида) Ўзбекистонда Президентлик институтини таъсис этиш тўғрисидаги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Президентлик институтининг ташкил этилиши узоқ йиллар мобайнида Республикамизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий соҳаларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишнинг бирдан-бир тўғри ечими эди.

Маълумки, дунё давлатчилиги тарихий ривожланишида бошқарувнинг асосан икки шакли - монархия ва Республика усуллари мавжуд. Республика бошқаруви ўз навбатида парламентар ва Президентлик Республикалари кўри нишларига эга. Президентлик Республикаси ҳозирги кунда энг кўп тарқалган давлат бошқаруви шаклидир. 2000 йилги маълумотларга кўра, БМТ га аъзо 192 давлатдан 146 тасида Президент лавозими мавжуд.

Давлатчилик ғояларининг назарий асослари ва уларнинг шаклланиш жараёнларининг муҳим босқичи бўлган президентлик институтининг таъсис этилиши ҳақида батафсил фикр юритишимизнинг асосий сабаби-президентлик ҳокимиятининг манбаи халқ эканлиги тўғрисидаги тарихий тажрибани Ўзбекистонга мос ва зарурлиги ҳамда давлат бошқарувидаги энг самарали шакли эканлиги ўз исботини топаётган лиги билан белгиланади. Шу ўринда, «Президентлик Республикасининг, парламентар Республикадан асосий фарқи нимадан иборат ? - деган табиий савол туғилади. Биринчидан, Президент халқ томонидан муқобиллик асосида сайланиб, давлат бошлиғи ҳисобланади.

Ҳукумат, президент томонидан тузилади ва унга хисобот беради. Парламентар Республикада қонун чиқарувчи идора, президент ва ҳукумат таркибини сайлайди ва уларни ўзига итоат эттиради.

Иккинчидан, президентлик ҳокимияти сиёсати демократиянинг муҳим умум жаҳон миқёсида эътироф этилган тамойили бўлган халқининг хоҳиш иродасини амалга оширишнинг кафолатидир. Президентлик бошқаруви ҳокимияти инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишни Конституциявий қонунлар билан кафолатлайди.

Учинчидан, президентлик бошқаруви барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунчилик ҳамда Конституциявий тузум барпо этишнинг асоси бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари фаолиятини мамлакат олий мақсадалари йўлида мувофиқлаштиради.

Тўртинчидан, президентлик бошқарувининг асосий тамойили ўзи бошқараётган давлатнинг дунё давлатлари орасида тенг ҳуқуқлилигини, миллий манфаатлар устуворлиги, Республика суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафо-

латланган Конституция нормалари ва қонунларининг тўғри ва қатъий риоя этилишини таъминлайди.

Давлатчилик ғояларининг назарий асослари ва уларнинг шаклланишини Олий Кенгашнинг иккинчи сессияси (1990 йил 20 июн) да қабул қилинган «Мустақиллик Декларациясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, айнан ушбу Декларациясининг биринчи моддасида: «Ўзбекистон СССР нинг давлат мустақиллиги Ўзбекистон ССР демократик давлатининг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларини белгилашда ва барча ташқи муносабатларда танҳо ҳокимлигидир» деб белгилаб қўйилиши давлатчилигимиз ғояларининг ҳуқуқий асослари ни ташкил этган эди.

«Мустақиллик декларацияси» нинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги яна бир муҳим, тарихий аҳамиятга эга бўлган қадами эди. Айнан ушбу Декларация эълон қилинишидан бошлаб, мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалаларни мустақил тарзда ҳал қилишига киришилди.

Давлатчилик ғояларининг назарий ва ҳуқуқий асосларини шакллантиришда Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 25 августдаги Фармониға биноан, Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги қўмитасининг қонуний равишда Ўзбекистон тасарруфига ўтиши алоҳида ўринга эга бўлди. Ушбу Фармонға биноан, Республика ҳудудида жойлашган қўшинлар ҳам бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди. Айниқса Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси прокуратура, адлия органлари, ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари сиёсий партиядан бутунлай холи қилинганлиги миллий давлатчилигимиз шаклланишидан янги босқичнинг бошланиши эди.

Айнан ёш миллий демократияни асраш мақсадида Давлат хавфсизлиги қўмитаси номли, акси миллий тоталитар йўналишни ўзи учун фаолият мезони қилиб олган репрессив ташкилотға барҳам берилиб, янги Миллий хавфсизлик хизматининг таъсис этилиши, шунингдек мамлакат Президенти ҳузурида ва раҳбарлигида Хавфсизлик Кенгашиға асос солиниши, Ички ишлар вазирлиги ва унинг таркибидаги ҳарбий қисмларнинг ислоҳ қилиниши, структуравий нуктаи назардан янги шароитда иш олиб боришға қодир бўлган ички ҳарбий қисмларнинг шакллантирилиши ва янгидан жиҳозланиши, Фавқулодда ишлар вазирлиги, Мудофаа ишлари вазирлигининг кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантирилиши ва бошқа ишлар шулар жумласига киради.

Маълумки, давлат чегараси ҳеч қачон шунчаки бир географик ёки топографик тушунча сифатида қаралмаган. Ҳудуд ва чегаранинг миллат ҳамда унинг равнақи учун аҳамияти муттасил ошиб бориши натижасида, улар миллий-маънавий қадрият даражасига кутарилиб келган. Бу муаммо, айниқса, миллий мустақиллик эълон қилиниб, шу ҳудудда ҳалқнинг танҳо ҳокимияти ўрнатилган пайтларда тамомила янги қирраларини намоён этади.

Жумладан, 1995 йил 15 сентябрда Президентимиз И.А.Каримов ўзининг Марказий Осиёда ҳамкорлик ва хавфсизлик масаласига бағишланган семинардаги чиқишларида «Минтақавий хавфсизликдан ташқари минтақага чегарадош бўлган ҳудудлар учун ҳам зарур бўлган ҳамкорликни ривожлантириш» зарурлиги ва 27 октябрда Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволларига берган жавобларида «Марказий Осиё халқлари, давлатлари янада аҳил яшашга қарор қилсалар, чегарамизни биров қўриқлашга ҳожат қолмаслиги ҳақида жиддий фикр билдирди. Демократик давлатчиликка асос солиш вазифаси нуқтаи назаридан Президентимизнинг 1999 йилнинг 13 январида Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари давлат қўмитасини ташкил этишга оид фармони катта аҳамият касб этади.

Фармонга биноан, чегара қўшинлари Мудофаа вазирлиги тассаруфидан чиқарилиб, алоҳида, мустақил қўмондонликка бирлашди ва унинг бажарилиши учун зарур бўлган тегишли маблағ ажратиш ва тегишли масалалар бўйича мутасадди ташкилотларга муҳим сиёсий мажбурият юклатилди.

Зотан «ҳудуд», «чегара» ва «миллий хавфсизлик» сингари мустақиллик қача бирон-бир маъно касб этмаган абстракт –географик тушунчалар эндиликда миллати, дини ва бошқа хусусийликларидан қатъий назар, барча Ўзбекистонликлар учун муқаддас қадриятлар даражасига кўтарилди. Мустақилликни асраш эса, том маънода умуммиллий, умумхалқ вазифаси даражасига кўтарилган эди. Қадрият биз учун муқаддасдир.

3. Инсоният чиндан ҳам ўзининг узоқ тарихи мобайнида ҳам кўпчилик орзу қилган ҳукукий демократик давлат, одил фуқаролик жамиятининг мукамал шаклини ярата олгани йўқ. Айниқса бу узоқ вақт тоталитар тузум асоратида яшаган ва ҳали унинг иллатларидан буткул қутула олмаган жамиятда янада мураккаброқ кечади. Фуқаролик жамиятига ўтиш, бу кўп босқичли ҳам сертар моқли жараёндир.

Президент И.А.Каримов аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарурлигига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу механизм энг аввало, жамиятни эркинлаштириш орқали фуқароларнинг ҳар бир сайловга мамлакат тақдири учун аҳамиятли тадбир сифатида муносабат қилишни тақозо этади. Одамлар ўз манфаатлари ва мақсадларини амалга ошириши, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун сайловларда иштирок этиш зарурлигини англаши зарур бўлади.

Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатга мансуб турли дунё қараш ва туриши тарзига эга бўлган аҳоли яшашини, 10 дан ортиқ диний конфессиялар фаолият кўрсатаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, кўп миллатли мамлакатда миллатлараро муроса муҳитини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар жиддий аҳамият касб этади. Миллатидан, ирқидан ва дунё қарашидан қатъий назар, мамлакат фуқароси ўз эҳтиёжларини қондириш учун барча имкониятларга эга бўлиши, ўз ҳаётини ихтиёрий танлов асосида йўлга қўйилиши, жамиятда барқарорлик мувозанатини сақлаши, муросага

келиши ва бир бирини тушуниши, ўзаро ҳамжихатлик ва демократик жараёнларда иштирок маконини қарор топтириши ҳаётий зарурат дир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланган кенг кўламли ислохотлар мамлакатимиз тараққиётининг стратегик мақсади-демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган адолатли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган эди. Мазкур ислохотлар мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов томонидан яратилган бешта тамойилга асосланиб, амалга оширила бошланди.

Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётнинг сиёсат устидан ҳукмрон бўлиши, у ҳар қандай мафкурадан озод бўлиши лозим. Иқтисодиёт ўз қонуниятларига асосланиб ривожланиши керак.

- иқтисодиётни бошқаришда айниқса янги бозор иқтисодиётига ўтилаётганида, давлат бош ислохотчи бўлиб, унинг бошқарув тизимини қўлдан чиқармаслиги керак.

- конституция ва қонуннинг устунлиги. Унга барча баробар, ҳаётимизнинг турли соҳасида риоя қилиш керак.

- кучли ижтимоий сиёсат юритиш. Бу бозор иқтисодиётининг энг муҳим вазифаларидир:

- бозор иқтисодиётига ўтиш шошмашошарликсиз, босқичма босқич амалга оширилмоғи лозим.

Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодиёти холис, объектив иқтисодий қонунлар асосида амалга ошади.

Иқтисодий ривожланиш жараёнларни сиёсий манфаатларга бўйсиндирилиши, уларнинг қандайдир ягона ҳукмрон мафкуравий ақидалар билан чегаралаб қўйилиши, иқтисодиётнинг бутунлай барбод бўлишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб кетишига аҳолининг турмуш даражаси тубанлашиб, ижтимоий зиддиятларнинг авж олишига олиб келади.

Иккинчидан, ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши шарт.

Давлат – бош ислохотчи - истибдод тузумидан бозор муносабатларига ўтишнинг шаклларида бири.

Учинчидан, қонун устуворлигига эришиш, қонунларга қатъий риоя этиш лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

Тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.

Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар қурилиши лозим. Бу

бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, яқин ўтмишимиздаги инқилобий сакрашларсиз, яъни эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак бўлади.

Мазкур тамойиллар «Ўзбек модели» сифатида жаҳонда эътироф этилган Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлининг ғоявий-назарий негизи бўлиб хизмат қилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида янги асосда тиклана бошлаган миллий давлатчилигимиз ўзининг демократик сиёсий мақомига эга бўлиб, ижтимоий тараққиётда тадрижий ривожланиб келган миллий давлатчиликнинг қонуний давоми сифатида намоён бўлди.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли бўлган «Ўзбек модели» мамлакатимизнинг ижтимоий тараққиёт дастури бўлиб, бу ислохотларнинг ғоявий ва назарий негизини ташкил этади. Мазкур ислохотлар мустақиллик йилларида бир нечта босқичларни босиб ўтди. Жумладан, ислохотларнинг дастлабки босқичида эски маъмурий буйруқбозлик тизими тугатилди ва миллий давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдевори барпо этилди. Кейинги босқичда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асоси яратилди, иқтисодиётнинг барқарорлашувига эришилди. Ислохотларнинг навбатдаги босқичида давлатимиз раҳбари И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» номли дастурий асарида белгилаб берилган устувор вазифалар амалга оширила бошланди. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

- мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш;
- жамият маънавиятини янада кучайтириш;
- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни таъминлаш;
- жамиятимиз келажагини белгилаб берувчи кадрлар сиёсати;
- халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш;
- жамиятдаги ижтимоий барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш;

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос бўлган «Ўзбек модели» мамлакат тараққиётининг ҳар бир босқичида, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб ижодий ривожлантирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Биз аввалгидек, давлат ва жамиятни, ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда «Ўзбек модели» нинг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан кейин ҳам амал қиламиз», деб таъкидлади.

Умуман «Ўзбек модели» Ўзбекистоннинг ўзига хос бўлган тараққиёт йўли бўлиб, бу йўл мамлакатимизнинг тарихий миллий хусусиятларини, географик ва демографик шарт-шароитларини ҳисобга олган, Республиканинг бош стратегик мақсади сари йўналтирилган, ислохотларнинг ҳар бир босқичида ижодий ривожланиб боровчи дастурул амалдир. Яқин келажакда жамият тараққиётида бундай ислохотларни амалга ошириш, биз қураётган ҳукуқий демократик жамиятимизнинг ҳар томонлама ривожланиб боришига ва мустақамланишига пухта замин яратишига ҳар биримизнинг ишончимиз комил.

Т а я н ч и б о р а л а р :

Мустақиллик, XX асрнинг сўнгида, демократия, ўтиш, умумжаҳон тизимида, Ўзбекистон тажрибали, истикболдаги тараққиёт, катта ва кичик миллатлар, миллий тараққиёт, урф-одат, Ўзбекистон модели, беш тамойил, устувор вазифалар, географик жойлашуви, фуқаролик жамияти, ўзини ўзи бошқариш, диний конфессиялар, миллий маҳдудлик.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Каримов И.А. Халқ фаровонлиги-фаолиятимиз мезони: Танланган асарлар 7-жилд. Т., 1999 йил.
- 2.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998 йил. 1-25бетлар
- 3.Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан курмоқдамиз. Танланган асарлар 7-жилд. 2000 йил. 293-312 бетлар
- 4.Каримов И.А. Ўзгариш ва янгиланиш-ҳаёт талаби. Танланган асарлар 8-жилд. , 2000 йил. 479-480 бетлар.
- 5.Каримов И.А.Иқтисодиётни эркинлаштириш-фаровонлик пойдевори. Танланган асарлар. 9-жилд. 2001 йил. 345 бетлар
- 6.Каримов И.А. Мақсадимиз тинчлик ва бунёдкорлик. Танланган асарлар 10-жилд. 2002 йил. 32-59 бетлар.
- 7.Каримов И.А. Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган жамият қурамиз. Танланган асарлар. 10 жилд. 2002 йил 72-99 бетлар.
- 8.Каримов. И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т. ,Ўзбекистон., 1992 йил. , 36-85 бетлар.
- 9.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 йил
- 10.Каримов И.А. “Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз.” Т.: “Ўзбекистон”, 2009 йил
- 11.Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010

12.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010.

13.Каримов И.А “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” – Т.: “Ўзбекистон”, 2010

14.И.А.Каримов “ Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганиш бўйича ўқув -услубий қўлланма. Тошкент. 2012 йил

15.Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. Т., 2001йил. 31-36, 191-206 бет

Қ ў ш и м ч а а д а б и ё т л а р :

1.Каримов И. А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон., 1993 йил., 43-88 бетлар.

2.Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., Ўзбекистон. 2005 йил. 30-93 бетлар.

3.Шарифхужаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Т., 2003 йил. 93-103, 263-289 бетлар

4.Шарифхужаев М. Ўзбекистон Конституциявий давлат. Т., 2003 йил. 80-100 бетлар

5.Рисқиев Т, Гулямов С, Қувватов Н ва бошқалар. Истиқлол, демократия ва фуқаролик жамияти. Т., 2003 йил. 3-15, 47-87 бетлар.

6.Дустжанов Т, Хасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т., 2004 йил

4 – М А В З У :

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШДА ЎТИШ ДАВРИНИНГ ЗАРУРЛИГИ, УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Р е ж а :

1. Ўтиш даври тушунчаси, моҳияти унинг умумий қонуниятлари.
2. Ўтиш даврининг моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. И.А.Каримов томонидан Ўзбекистоннинг «Эволюцион тадрижийлик» асосида демократик жамиятга ўтишга доир назарий концептуал методологиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг ҳаётга тадбиқ этилиши.

1. Ўзбекистон демократик жамиятга ўтиш даврини мукаммал ўрганишга алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Чунки ўтиш даврининг бошланиши ва поёнининг мезонларини аниқламасдан туриб, жамият ҳаётида содир бўладиган ёхуд содир бўлиши мумкин бўлган жараёнлар ҳақида аниқ концептуал ғояларни ишлаб чиқиш мумкин эмас. Бу жараёнлар неча турли мамлакатларда турлича бўлади, уни ўрганиш учун бугун ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган Ўзбекистон учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Чунки, уни ўрганиш биз кураётган жамиятда содир бўладиган жараёнлар даражалари тўғрисида аниқ тасаввурларга эга бўлиш ва унга етиб бориш йўлларини аниқлаш имконини беради.

Ўтиш даври дунёдаги барча мамлакатлар тараққиёти жараёнида содир бўладиган «оралиқ», муҳлат ҳисобланади. Ўтиш даври ҳар қандай давлат учун умумий қонуниятдир. Чунки ҳеч бир давлат пайдо бўлиши билан юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди. Албатта, у аввало шаклланади ва маълум тараққиёт босқичларини ўз бошидан кечиради. Маълумки, ҳар бир давлатнинг вужудга келиши, ривожланиш ва юксак даражага кўтарилиш жараёнлари олимлар томонидан ўрганилган ва бугунги кунда ҳам ўрганиш давом этмоқда. Аммо ўтиш даври ўзи нима, нима учун ўтиш даври деб айтилади? Бу каби саволларга жавоблар илмий адабиётларимизда жуда кам учрайди. Мукаммал жавоб топиш учун, уни чуқурроқ ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агарда ўтиш даври ўзи нима, нима учун шундай деб аталишини илмий адабиётларимизда кўпгина ривожланиш хусусиятларини аниқ тасаввур қилиб бўлмайди. Бугунги кунда юксак ривожланган ёки ҳали кам тараққий этган, балки эндигина тараққиёт йўлига қадам ташлаётган мамлакатларнинг бир иқтисодий, ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш жараёни айнан такрорланмаслиги керак. Тўғри, ўтиш даври учун барча мамлакатлар учун умумий бўлган қонуниятлар ҳам мавжуд.

Бундай ҳолатда уларни амалга ошириш, шу жойда яшаб турмуш кечираётган аҳолининг минталитети билан боғлиқ ҳолда бўлади. Нима учун ўтиш даврида тайёр андозалардан ҳатто «модел»дан фойдаланган ҳолатда мақсадни амалга ошириш мумкин эмас? Ўтиш даври назариясини қандай тушуниш мумкин. Ўтиш даври назарияси бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиладиган вақт оралиқ босқич, уни ўрганиш тадқиқот қилиш жараёнида шаклланган илмий асосланган қарашлар тизими тушунилади.

Албатта, берилаётган бу таъриф охириги ҳақиқат сифатида қабул қилинмаслиги мумкин. Ўтиш даврига муносабат билдирган германиялик олим Леонид Левитин шундай ёзади: одатда, «ўтиш даври» сўзларини айнан тушуниб, уни ўтмиш ва келажак оралиғидаги бугун, деб ўйлайдилар. «Ўтиш даври» нинг пайдо бўлишида, бундай қарашларга кўра, ўтмиш-сабаб, келажак эса мақсад тарзида воқе бўлади».

Берилаётган бу таъриф ўтиш даврининг моҳиятини ўрганиш асосида шаклланган қарашлар натижаси, ўлароқ юзага келди. Ўтиш даври ҳақида

турли-туман фикрлар бўлишига қарамасдан уни бир тизимга келтириш, умумлаштириш асосида шаклланган таърифлар бугунги кунгача учрамаётганлиги сабабли, “ўтиш даври назарияси” га юқорида берилаётган таърифни бошқалари билан таққослаш имконичти ҳам чекланганлигини назарда тутиш лозим.

Бу келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, «ўтиш даври» «оралик» маъносини англатмоқда. Албатта бундай қараш ҳам ўтиш даври назариясининг ишлаб чиқилишида муҳим асос бўлиши мумкин.

Мазкур муаллифнинг яна бир муҳим хулосаси мавжудки, у эътиборга лойиқ. Жумладан, у шундай ёзади: «Табиийки, ўтиш даврлари турли хилдаги тартибсиз жараёнлар, мавҳумотликлар билан тўла». Кимдир бундай даврларни «дарё бўйлаб узала тушган кўприк» деб ўхшатиб таърифлашган. Хуллас, ўтиш даври ҳақида фикрлар мавжуд, уларни аниқ тизимга солинган назария сифатида шакллантириш борасида ўринишлар давом этмоқда. Аслида ўтиш даври кенг ва ўта мураккаб тушунча бўлиб, давлатлар тараққиётининг бир босқичидан иккинчи босқичига кириб бориши билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Худди ана шу жараён мамлакатлар юзага келган дастлабки пайтдан уларнинг кейинги босқичга ўтиши учун зарур бўлган умумий қонуният ҳисобланади. Чунки, ўтиш даври давлатчилик пайдо бўлиб унинг тараққиётининг қулдорлик, феодализм ва капитализм каби ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ўтиши учун ҳам зарур бўлади. Тўғри, юқорида келтирилган тараққиётнинг босқичлари кейингиси олдингининг ичидан ўсиб чиққан. Аммо, ана шу «ўсиб чиқиш» жуда мураккаб кечган, у турли давлатларда турли кўринишларда бўлган ва ўсиб келаётган эҳтиёжни қондиришга қаратилган. Шунинг билан бирга ўтиш даврининг мухлати (давомийлиги) ҳам турли мамлакатларда ўзига мос равишда содир бўлган. Шу маънода ҳам ўтиш даврининг мухлатини олдиндан белгилаб бўлмайди. Ўтиш давридаги бош йўналиш «орқага қайтиш» эмас, балки «олдинга юриш, пастдан юқорига кўтарилиш ёки олдинги даражага қараганда тараққий қилиш томон кутарилиш» ҳисобланади.

Эски тузумни сақлаб қолиш йўлидаги турли уринишлар, қон туқишлар, халқ бошига тушадиган турли фожиаларга қарамасдан, уларнинг қайси даражадан содир бўлишидан қатъий назар, бари-бир ўтиш даврининг бош йўналиши ўзгармас бўлиб қолаверади. Шу маънода Леонид Левитиннинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин.

«Посткоммунистик ўтиш даври-ўтиш даврининг кўринишларидан биридир холос. Инсоният тарихида бундай даврлар озмунча юз бермаган. Улар ўзаро бир-биридан қанчалар салмоқли тафовутлар билан фарқ қилмасин, бироқ, асосий маънолари битта-жамиятни унинг иқтисодиётини, сиёсатини унинг маданиятини замонавийлаштириш» - деб ёзади.

Аммо, ана шу «Замонавийлаштириш»ни қайси ўлчов мезонидан келиб чиқмоғи керак, - деган саволга жавоб топиш зарур бўлади. Зеро, «замон» ўзгарувчан, шиддат билан олдинга интилувчи жараёндир. Агар, ана шу

нуктаи назардан қараладиган бўлсак, ўтиш даври қачон тамом бўлиш мезонлари мавжудми ёки «замон» каби тўхтовсиз жараён ҳисобланадими?-деган саволлар юзага келаверади.

Биз ана шундай жараёни аниқ тасаввур қилишимиз ва тушунишимиз зарур бўлади. Акс ҳолда, инсоният ўз бошидан ўтиш даврини ўтказиш билан яшайди ва бу охири йўқ бўлган жараён - деган нотўғри хулоса келиб чиқади.

Фикримизча бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўладиган «ўтиш даври» ёки аниқроғи «оралиқ» босқичининг муҳлати ана шу янги юзага келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузум ўз имкониятларини тўла юзага чиқариб барқарор тараққий қилиш жараёни юзага келиши билан тугайди.

Бу ердаги концептуал ғоя шундаки, инсоният фақат «ўтиш даври» билан яшамайди, балки унинг бошланиши бўлганидек поёни ҳам мавжуддир. Худди ана шу «паёни» тараққиёт даражаларини ёки тузумларни бирини иккинчиси билан фарқлаш имконини беради. «Поёни» ёки ўтиш даврининг охири, янги тузумнинг нормал ишлаши таъминланганлиги шароити юзага келиши билан тугайди.

«Ўтиш даври» га фақат ана шундай қаралсагина инсоният ва жамиятлар ривожланиш жараёнларига тўғри баҳо бериш мумкин бўлади.

Инсонлар эҳтиёжларининг тула таъминланиши ва жамият тараққиётининг юксак даражага кутарилиши фуқаролик жамияти қурилгандагина амалга ошади. Аммо, фуқаролик жамиятини инсоният эҳтиёжларини қондира оладиган, жамиятнинг энг юқори поғонага кутарилган ва унинг бундан кейин ривожланишига эҳтиёжи бўлмайдиган «охирги», «манзил» сифатида қараш ҳам илмий нуктаи назардан тўғри бўлмайди. Чунки, фақат эҳтиёжнинг юзага келишигина тараққиёт заруриятини келтириб чиқаради. У тухтаган дақиқадан бошлаб, тараққиёт заруриятини келтириб чиқарди. У тухтаган дақиқадан бошлаб тараққиёт ҳам тухтайди.

Фуқаролик жамиятини инсоният ўзининг идеали сифатида қарамоқда ва уни қуриш учун фаоллик кўрсатмоқда. Яна «ўтиш даври» ҳақида фикр юритганимизда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамиятигача бўлган барча тузумларнинг инсонлар манфаатлари ва эҳтиёжларини тўла қондира олмаслиги боис уларнинг биринчисидан иккинчисига объектив равишда ўтиши учун эҳтиёжни юзага келтириб туради. Бу ўз навбатида янги тузумга ўтиш даврини бошлаб беради.

Албатта, ибтидоийдан, қулдорликка, ундан феодализмга, ундан эса капитализмга ўтиш жараёнларида мамлакатлар ҳаётида қандай алғов-далғовлар, инсонлар ҳаётида ҳам жуда катта қийинчиликлар, урушлар ва уларнинг оқибатида қон тукишлар содир бўлганлигига қарамасдан, бу ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг бирининг ичидан иккинчисининг ўсиб чиқиш объектив зарурият сифатида содир бўлиб келган.

Аммо, капитализмдан демократик тамойиллар асосига қурилган жамиятга ўтиш бир қатор хос хусусиятлар билан фарқланади.

Улар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, айрим мамлакатларда демократик жараёнлар капитализм тузумининг ичида шаклланади ва бу унинг халқ учун фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги фаолиятида намоён бўлди. Тўғри, бу жараён ҳам силлиқ амалга ошмайди, балки ўта мураккаб кечади, катта талофотларни ўз бошидан кечиради. Худди ана шу мураккаб муаммоларни ҳал қилишда тўғри йўлни танлашдаги яъни жамият тараққиётининг халқ манфаатларига қаратилганлиги инсоннинг тўла маънодаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи жамиятга айланишига олиб келади:

Иккинчидан, айрим мамлакатларда ҳали капитализм тула маънодаги жамият сифатида ўз имкониятларини юзага чиқариб улгурмасдан куч ишлатиш йўли билан ғайри илмий, сохта халқ «фаровонлиги»ни, «таъминловчи» коммунистик жамиятга ўтиш йўлидан борилди. Бу йўлнинг танланиши тажрибаси кўрсатдики:

а) жамият тараққиётини сунъий равишда жадаллаштириб бўлмаслигини:

б) куч ишлатиш, зўровонлик кўрсатиш жамият ҳаётини тубдан ўзгартирмаслиги ва уларнинг заминида пировард мақсадларга эришиш йўлида куч ишлатиш ва зўровонликни куллаш давом этиши мумкинлигини кўрсатади:

в) ўтиш даври мухлатини сиёсий ҳокимият ҳукмронлигининг тула таъминланганлиги билан эмас, балки халқ фаровонлигининг, унинг барча йўналишларда эркинлиги қай даражада таъминлангани билан белгилаш асосий сифатда бўлиши кераклигини тасдиқлайди:

г) капитализмнинг барча имкониятлари юзага чиқмасдан туриб, демократик жамиятга ўтиб бўлмаслигини ва ўз навбатида капитализмнинг ўзини ҳам сунъий равишда жорий қилиб бўлмаслигини, албатта маълум ўтиш даври зарур эканлигини кўрсатди:

д) капиталистик муносабатлар шаклланмасдан, унинг имкониятлари юзага келмасдан туриб феодализмдан демократик жамиятга ўтиб бўлмаслиги тажрибада тасдиқланди. Мамлакатлар феодализмдан, ташқаридан курсатиладиган «беғараз» ёрдамлар билан капитализмни «четлаб» коммунизм даражасига кутарила олмаслиги, омма манфаатларини «ифодаловчи» ва «фаровонлигини» «таъминловчи» сохта коммунистик жамиятга ўтиб бўлмаслигини, албатта ана шу коммунистик жамият заминида капиталистик муносабатлар ривожланиб боришлигини ва бу ўз навбатида ўтиш даври мухлатининг чўзилиб кетишига олиб келишини тасдиқлади. Чунки, бундай шароитда ва фақат ўтиш даври муаммолари, шунинг билан бирга капитализм тузумига тааллуқли муаммоларини ҳам ҳал қилиш вазифаси юзага келади. Ўтиш даври юксак даражадаги моддий имкониятларнинг юзага келиши билан тугамайди, балки уларнинг халқ фаровонлигини таъминлашга қай даражада қаратилганлиги билан боғлиқ бўлган жараён хисобланади. Улар нафақат мамлакатларга боғлиқ, шу билан бирга уларда яшаётган аҳолига, уларнинг жараёнлар билан ҳамоҳанг бора билишларига ҳам боғлиқ бўлади. Буларнинг ҳаммаси тарихий тараққиёт босқичларида шаклланиб ва ривожланиб келади.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Биринчидан, бугунги кунгача, ўтиш даврининг мустақил фундамента назарияси ишлаб чиқилмаган. Бунинг оқибатида мамлакатларнинг маълум тарихий босқични босиб ўтмасдан, уни «четлаб» демократик жамиятга ўтишга бўлган хатти-харакатлари содир бўлмоқда. Бу ўз навбатида улар ҳаётида айрим ҳолатларда катта фожиаларни келтириб чиқармоқда:

Иккинчидан, феодализм муносабатлари шароитида яшаётган мамлакатларга «четдан» демократик жараёнларни «экспорт» қилиб бўлмайди. Бундай уринишлар мамлакатларда беқарорликка, уни тараққиётдан орқада кетишига олиб келиши мумкин.

Учинчидан, «ўтиш даври» ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузум эмас, балки мамлакатларнинг уларга ўтиши учун зарур бўладиган заминларни шакллантиришга кетадиган тарихий оралик, босқич ҳисобла нади. Унинг бошланиши мамлакатларда бўладиган энг аввало сиёсий ўзгаришлар ва унинг заминида эса иқтисодий, ижтимоий ҳамда маънавий соҳалардаги ўзгариш билан боғлиқ бўлса «поёни», «охири» янги вужудга келган жамиятнинг ўз имкониятларини тула юзага чиқара билиши, замон нуқтаи назаридан барқарор тараққиёт учун имконият ларининг таъминланганлиги билан боғлиқ бўлади.

Тўртинчидан, «ўтиш даври» қанчалик турли туман бўлмасин, бари бир, барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумлар учун зарурдир. Чунки, у ҳар бир янги вужудга келадиган янги жамият учун замин тайёрлаш имконияти ҳисобланади. Бу замин нафақат иқтисодий, шунинг билан бирга шу жамиятда яшайдиган инсонларнинг ўзларини янги жамиятга «мослаштириши» учун ҳам зарур бўлади.

2. Юқорида ўтиш даврининг тушунчаси, моҳияти ва зарурлигининг умумий назарий масалаларини кўриб ўтдик. Энди, мамлакатларнинг турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёт босқичларидан демократик таомиллар асосида фаолият кўрсатадиган жамиятга ўтишнинг турли «модел»лари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари устида тўхталамиз.

Турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий босқичлардан демократик жамиятга ўтиш ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Унинг мураккаблиги, унча содир бўлган тараққиёт босқичлари объектив эҳтиёж сифатида бирининг ичида иккинчиси шаклланиб келган, давлат ва унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари шаклан ўзгарган бўлса ҳам мазмунан у бари бир оммани итоатда ушлаб туришга, унинг устидан ҳукмронлик қилишга қаратилганлигича қолаверган.

Демократик жамиятда эса, энг аввало сиёсий тузум тубдан ўзгариб, халқнинг ҳокимияти бевосита ёки билвосита иштирокида бошқаруви амалга ошади ва омма давлат учун эмас, аксинча, давлат омма учун, - деган тамойилнинг устуворлиги асосида давлат бошқаруви амалга ошади.

Демократик жамиятга ўтишда сиёсий соҳада, давлатнинг амалдаги механизмлари тугатилади, унинг ўрнига қурилаётган жамият манфаатларига

жавоб бераоладиган механизмлари шакллантирилиб борилади, иқтисодий соҳада, бозор муносабатлари қарор топади, тараққиёт омманинг ўз моддий манфаатдорлигини эркин қондира олиши асосида умумий иқтисодий ривожланиш содир бўлади, маънавий-маърифий соҳада, инсон омили, унинг кадр-қиммати юксак кадрият даражасига кутарилади, жамиятнинг юксак Интеллектуал куч асосида ривожла ниши реалликка айланади. Ана шунинг учун ҳам бугунги инсоният демократик жамиятга ўз идеали сифатида қарамоқда ва уни вужудга келтириш учун фаоллик кўрсатмоқда.

Аммо, демократик жамиятга ўтишнинг барча мамлакатлар учун ягона бўлган аниқ андозалари, яна ҳам аниқроғи «модел» лари йўқ ва унинг бўлиши мумкин эмас эмас. Чунки, ҳар бир мамлакат нафақат ўзининг тузилиши, иқтисодий тараққиёт даражалари, интеллектуал имкониятлари билан бири иккинчидан фарқланади, худди шунингдек ўз халқининг металитети, турмуш тарзи, урф-одатлари ва кадриятлари билан ҳам фарқ қиладилар. Уларни ҳеч қачон бир қолипга солиб бўлмайди, бундай ҳаракат қилиш ҳеч қандай самара бермайди, балки оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тарихий тажриба тасдиқлади. Шунинг билан бирга демократик жамиятга ўтишнинг барча мамлакатлар учун умумий бўлган қонуниятлари ҳам мавжуд. Жумладан, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш, бозор муносабатларини юзага чиқариш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш, жамият тараққиётида юксак интеллектуал салоҳият демократик жамият куришга интилаётган мамлакатлар учун умумий ҳисобланади.

Демократик жамиятга ўтиш деганда, мамлакатларнинг турли тузумлардан демократик тамойиллар асосида ривожланиши учун вужудга келтириладиган имкониятга кетадиган оралиқ вақт тушунилади. Худди ана шу вақт ичида демократик жамият учун зарур бўладиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий имкониятлар яратилади. «Оралиқ» вақтнинг бошланиши ва унинг ўз поёнига етиши ўтиш даври масалалари қаторидаги энг муҳим аҳамиятга моликдир. Чунки, бугун бу масала илмий адабиётлардан ўзининг ечимини топганича йўқ. Унга аниқлик киритмаслик эса «ўтиш даврининг» боши ва охири қаердалигини билиб олиш имконини бермайди.

Тўғри, ўтиш даври энг аввало сиёсий ҳокимиятда пировардида демократик жамиятга олиб боровчи туб ўзгаришларнинг содир бўлиши ва унинг базасидан иқтисодий ҳамда маънавий - маърифий соҳаларда олиб бориладиган ислохотларнинг бошланиши билан характерланади. Ўтиш даврининг тугаши эса демократик тамойилларнинг тўлалигича ҳаётий реалликка айланиши билан боғлиқ бўлади.

Бугунгача демократик тамойиллар асосида ривожланаётган мамлакатларнинг унга ўтиш даври тажрибаларига асосланиб, ўтишнинг учта асосий йўли ёки «модел»и шаклланишини таъкидлаш мумкин.

Унинг биринчиси классик йўл ҳисобланади. Бу йўлнинг асосий хусусияти шундаки, у узоқ тарихий босқичда амалга ошади ва ўтиш даврининг сиёсий соҳада қанча бўҳронлар содир бўлишига қарамасдан асосий ўтишнинг

ислохотлари иқтисодий соҳада амалга оширила бошланади. Бу соҳадаги муҳим тадбир хусусий мулкчиликни қарор топтириш ҳисобланади. Худди ана шу тадбирнинг муваффақияти ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий соҳаларда ҳам ислохотларнинг амалга оширилиши имконини беради.

Ўтиш даврининг классик йўлидаги бундай жараённинг характерли томони шундаки: иқтисодий соҳада хусусий мулкчиликнинг ривожланишидан аҳолининг аксарият кўпчилик қисми рози бўлмайди. Чунки, асосий моддий бойлик бир қисм одамлар қўлида тўпланади, бошқалар эса унга қарам бўлиб қоладилар оқибатда, мамлакат ички ҳаётида катта бўҳронлар, ҳатто фуқаролар урушлари содир бўлиши мумкин.

Ўтиш даври классик йўлининг бошланиши капиталистик муносабатларнинг юқори босқичи, унинг иқтисодиётда ислохот ўтказмасдан тараққий қилишига имконият етмай қолиш оқибатида юзага келади.

Бу йўлнинг классик (анъанавий) йўл дейилишига сабаб шуки, мамлакатларнинг демократик жамиятга ўтиши дастлаб худди ана шу кўринишда намоён бўлди ва бутун юксак тараққиётга эришган мамлакатларнинг аксарияти ана шу йўлдан бордилар.

Классик йўл муаммоларининг кўплиги, уларни ҳал қилишнинг мураккаблиги, аҳолининг бу жараёнга «қўниқиб» бориши каби масалалар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам Европа мамлакатларида 2-2,5 асргача давом этди. Ана шу муҳлат ичида мамлакатларда иқтисодий соҳадаги ютуқларнинг заминида демократик қадриятлар ҳам шаклланди ва уларда бугун фуқаролик жамиятини такомиллаштириш жараёнлари давом этмоқда.

Демократик жамиятга ўтишнинг иккинчиси инқилобий йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, давлатларда вужудга келтирилган катта иқтисодий салоҳият аксарият кўпчилик аҳолининг турмуш тарзига нисбатан юқори бўлганлигига асосланиб дастлаб мамлакат сиёсий ҳаётида кескин ўзгаришлар амалга оширилади. Яни амалдаги ҳокимият шакли барбод бўлади ва унинг ўрнига янги, - демократик жараёнларни ривожлантиришга мойил бўлган ҳокимият шакли ва унинг инфраструктураси вужудга келади, иқтисодий ҳаётда кескин ислохотлар ўтказилади, хусусан, амалдаги миллий валюта бекор қилинади (синдирилади). Аҳолининг қўлидаги пул маблағлар ҳам ўз қийматини йўқотади ва мамлакат сиёсий ҳаётида бўлгани каби иқтисодий ҳаётда ҳам демократик жараёнларнинг ривожланиши содир бўлади.

Инқилобий йўл учун зарур бўлган асосий омиллар қаторида:

- а) Собик тузум шароитида хусусий мулк куртакларининг сақланиб қолганлиги:
- б) Демократик қадриятларнинг куртаклари мавжудлиги:
- в) Мамлакат ҳаётини демократик тамойиллар асосида қайта қуришга қодир бўлган интеллектуал салоҳиятнинг етарли бўлиши:
- г) Аҳолининг маълум бир қисми ана шу демократик жараёнга ҳеч бўлмаганда «мойиллиги» бўлиши кабилар ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Уларнинг ҳар бири инқилобий йўл учун алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, интеллектуалларнинг ролини олиб қурайлик. Улар мамлакат ҳаётида бўладиган ҳар бир ўзгаришни юзага келтирувчи асосий қудрат ҳисобланади. Халқ ҳокимиятдан кўра уларга ишонади, уларга эргашади. Шу маънода ҳам улар оммани уюштиради ва демократик жараёнларга йўналтиради. Шунинг билан бирга интеллектуалнинг ўзи ҳам демократик жараёнларнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда бардош бера оладиган, уюшган куч даражасига кўтарилган бўлиши лозим.

Интеллектуалнинг характерли хусусияти шундан иборатки, у бошқа ижтимоий табақалардан кўра жамият ҳаётида юзага келадиган жараёнларини олдиндан билишга интилади ва бу ўзгаришларнинг бошида тура олади.

Ҳамма гап шундаки, аввало, аҳоли мураккаб муаммоларни ҳал қилишда кузатувчи эмас, уларни ҳал қилишда фаол иштирок қилмас экан, инқилобий йўл ҳеч қандай самара бермайди, аксинча, у мамлакатни тараққиётдан орқага кетишига олиб келади.

Интеллектуалларнинг ана шу кескин ўзгаришлардаги яқдиллиги уюшган ташкилотлари ва ҳаракатлантирувчи кучларига айланишини тақозо этади.

Инқилобий йўл жамиятнинг сиёсий ҳаётида кескин бурилиш содир этади. Мамлакатлар сиёсий тизимида бошқарувнинг моҳиятан бутунлай янги нодемократик шакли вужудга келади. Улар ўзаро ички курашларнинг авж олиши, баъзи мамлакатларда қон тўкилишига ҳам сабаб бўлади. Бу йўл анча мураккаб ва мамлакат ҳаётида жуда катта бўҳронларга олиб келишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни демократия тамойиллари тақозо этмайди.

Бу йўл қанчалик мураккаб бўлмасин, мамлакат ҳаётида жуда катта бўҳронларга олиб келишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни ҳар мамлакат ўз хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолдагина амалга ошириши мумкин. Аммо, шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, юқоридаги омилларнинг мавжудлигининг ўзи ҳам мамлакатларнинг демократик жамиятга инқилобий йўл билан ўтишига «мажбур» этади. Чунки, ана шу омиллар ўтиш жараёни тезлаштирувчи асосий қудрат ҳисобланади.

Демократик жамиятга ўтишнинг учинчиси-эволюцион ёки босқичма-босқич йўл ҳисобланади. Бу ҳақда маърузанинг 4-саволида тўхтаймиз.

3. Ўтиш даврининг умумий қонуниятлари Ўзбекистон учун ҳам умумийликка эгадир. Улар ўтиш даврининг бошланиши учун хос бўлган, амалдаги сиёсий ҳокимиятнинг тугатилиши, унинг заминида иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг амалга оширилиши учун замин тайёрлаш ва олдинги мавжуд тизимнинг маънавий-мафкуравий зўравонлигидан қутилиш билан характерланади. Улар қайси даражада бўлишдан қатъий назар, демократик тамойиллар асосида ривожланиш йўлини танлаган барча мамлакатлар учун умумий зарурият ҳисобланади.

Аммо, ҳамма масала ўтиш даврининг ичида амалга ошириладиган вазифалар стратегиясини белгилаш, уларни ҳал қилишнинг механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни реалликка айлантириш кабиларда ҳар бир мамлакатнинг

Ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлади. Бир мамлакатнинг ёхуд бир неча мамлакатларнинг ўтиш даврида қўллаган тажрибаларини айнан иккинчи мамлакат қўллай олмайди. Чунки, демократик жамиятга ўтишда ва фақат мамлакат ларнинг тараққиёт даражалари белгиловчи аҳамиятга эга бўлади, худди шунингдек, ҳар бир мамлакатда яшаётган халқнинг менталитетини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Уни ҳисобга олмаслик эса пировард мақсадга эришиш имконини бермайди.

Худди ана шунинг учун ҳам Ўзбекистонда унинг ўзига хос ва ўзига мос бўлган эволюцион тадрижий йўл ишлаб чиқилди. Бу йўлнинг Ўзбекистон учун энг мақбул йўл эканлиги Президент Ислом Каримов томонидан илмий асосланди ва унинг концептуал ғояларини фундаментал тарзда босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Бу йўл Президент томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилда ўз ифодасини топди. Худди ана шу тамойилларни тавсифлаб, Юртбошимиз шундай таъкидлаган эди: «Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳияти дир».

Бу бош ғояни Президент Ислом Каримов жаҳон мамлакатларининг тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш асосида илгари сурди ва Ўзбекистонга хос ўтиш даври «модел»ини ишлаб чиқишда унинг дунёдаги биронта ҳам давлатлардаги «модел»ларига айнан ухшамаслигига асосий эътиборни қаратди.

У мамлакатимиз ўз мустақиллигини эндигина қўлга киритган ва мустақилликка қарши хавф ҳали батамом тугамаган шароитда 1992 йилда бу концептуал ғояни илгари сурди. У шундай ёзади: «Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришишдан иборат ўз йўли Республикани ривожлантиришнинг қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади. Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари урф-одатларидан келиб чиқади. Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихдан хосдир. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очик кўнгиллилик, миллатидан қатъий назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳам дард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-мухаббат, меҳнат севарлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир. Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга ошириш чоғида ислом динини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришда, исломга эътиқод қилувчи халқлар билан яқинлашиш истагида ҳам шу омил намоён бўлмоқда

Республикадаги ўзига хос демографик вазият-ғоят муҳим хусусиятлардан биридир. Жумҳуриятимизда аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳар йили юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда. Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди ва асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Аҳоли таркибида 60фоиздан кўпроғи болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит-қизлардир.

Республиканинг яна бир хусусияти-миллий таркибининг ўзига хослигидир. Этник таркибда туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Шу билан бир вақтда Республика худудида ўз маданияти ва анъанасига эга бўлган юздан зиёд миллат вакиллари яшаб турибди. Ўзбекистоннинг миллий-маданий жихатдан ғоят ранг-баранглиги миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишининг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни очиқ жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва Республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради.

Республика қулай геостратегик мавқега эга. Тарихан ҳозирги Ўзбекистон худуди шундай жой бўлганки, бу ерда жуда кўхна савдо йўллари (машҳур Буюк Ипак йўли) туташган, жўшқин ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни кечган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ўзининг мустақил энергетика ва сув тизимларига эга бўлган собиқ совет Ўрта Осиёсининг марказида турибди, кўпгина масалаларда Республикалар ўртасидаги боғловчи буғин бўлиб хизмат қилмоқда ва хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда тобора фаол роль ўйнамоқда.

Кейинги ўн йиллар мобайнида маълум қадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шаклланганлигини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас.

Бир томондан, бу ижтимоий тенгликка, кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, ялпи бепул таълим ва тиббий хизматга қатъий тарафдорликка интилишида намоён бўлмоқда.

Иккинчи томондан эса, яккахокимликдан иборат маъмурий-буйруқбозлик тизими келтириб чиқарган инсонни мулкка эгаликдан ва хужайинлик туйғусидан бегоналаштирилганлиги, тайёрга айёрлик руҳияти юзага келтирилганлигида кўринмоқда.

Юқорида қайд этилган ўзига хос шарт-шароитлар ҳам алоҳида, ҳам биргалликда ҳозирги босқичда Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепциядаги ана шу хусусиятларни ҳисобга олиш мамлакатимизда беқарорлик вужудга келишининг, социал зиддиятларнинг кучайиб кетишининг, аҳолининг мураккаб вазиятга тушиб қолишининг олдини олиш имконини беради. Улар ўз навбатида юзага келаётган янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қийинчиликларни собит қадамлик билан ҳал қилишда муҳим роль ўйнади ва бошланғич ислохотлар ўз Самарасини бера бошлади. Ўзбекистоннинг ўтиш даври муаммоларини

хал қилишнинг ўзига хос стратегияси жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилиб, уни «ўзбек» модели номи билан айтила бошлади. «Ўзбек» модели деганда ўзбек миллатининг ўзига хос менталитети, урф-одатлари, анъаналари, кадриятларини, унинг демографик жараёнлари аҳолининг миллий таркиби, Ўзбекистоннинг геостратегик ҳолати ва бошқа бир қатор омилларни ҳисобга олишга асосланган демократик жамият қуришнинг шакли тушунилади.

4. Демократик жамиятга ўтишнинг учинчи йўли - бу эволюционал босқичма-босқич йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, мамлакатда амалдаги сиёсий ҳокимият тугатилиб, унинг ўрнига янги ҳокимият вужудга келиши билан эскини кескин, бир «зарб» билан тугатмасдан босқичма-босқич вазминлик билан тугатилиб боради. Хатто уларнинг айрим имкониятларидан ҳам фойдаланиб борилади.

Сиёсий ва иқтисодий ҳаётда ўтказиладиган ислохотлар бир вақтда маънавий-маърифий соҳаларни ҳам янги эҳтиёжлар асосида ривожлантирилиб борилади. Агар босқичма-босқич ўтиладиган бўлса, унинг классик йўлдан фарқи нимада, унда ҳам аста-секинлик йўл билан демократик жамиятга ўтилган-ку? - деган савол туғилиши мумкин.

И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда» номли асарида «Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур ва нималардан воз кечишимиз даркор?» - деб савол қўйиш билан бирга «Ўз хатоларимизни қандай йўллар билан тuzатмоқчимиз», деган масалага ҳам ойдинлик киритди. И.А.Каримов ўзи майдонга ташлаган тараққиётнинг методологик асосини шундай тушунтиради: «Жамиятни янгилашнинг иқилобий усулларига биз мутлақо қаршимиз. Биз тарихий, эволюцион ислохотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз».

Хўш, шундай экан, эволюцион йўл қандай аҳамиятга эга, -унинг фалсафий мазмуни нимадан иборат?

Биринчидан, эволюцион йўл инқилобни истисно қиладиган йўлдир. Инқилоб-тарихни ривожлантирувчи куч, деган қоида бугунги кунда эскича фикрлаш тарзи бўлиб қолди. Чунки инқилоб эскини зўрлик билан ағдариб ташлашни кўзда тутди. Жамиятни ўзгартириш даги зўрлик эса ҳамма вақт вайронагарчилик, ўлдириш, қон тўкишга олиб келади. Эволюцион йўл «Янги уй қурмасдан, эскисини бузмасликни» назарда тутди. Яъни эски билан янгининг узвий боғлиқлигини таъминлайди.

Иккинчидан, инқилобий йўл узлуксизлиكنинг узилишини курсатади. Бу диалектикада тан олинган тамойил, эволюция эса узлуксиз ривожланиш билан бирга кескин сакрашларсиз, портлашларсиз борадиган тадрихий йўлдир. Биз бу ўринда эволюцион назария инқилобга боғлиқ бўлган жуфт категория эканлиги тўғрисида эмас, балки у замонавий вазиятни ифода этувчи мустақил методология эканлиги ҳақида гапирмоқчимиз.

Учинчидан, эволюцион назария хозирги замон ижтимоий ҳаётидаги вазият ва табиий фанлардаги фундаментал ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида пайдо бўлган назариядир.

Тўртинчидан, эволюцион назария борлиқни тизим, шу жумладан жамиятни очиқ тизим деб қарайди. Натижада, инсон билан табиат, табиат билан жамият, инсон билан жамият, одамлар билан одамлар ўртасидаги янгидан-янги муносабатлар пайдо бўлади. Бу муносабатлар юқорида айтганимиздек, ўзаро ҳамкорлик ва инсонийлик муносабат ларидир.

Бешинчидан, борлиққа очиқ тизим сифатида қараш эволюцион назария ни ўз-ўзини ривожлантирувчи тизим эканлигини таъминлайди. Тараққиёт вертикал шакллардагина эмас, балки горизонтал шаклда ҳам боришини кўрсатади.

Олтинчидан, очиқ тизим кўп имкониятларни вужудга келтиради, натижада, инсон учун ўша имкониятлардан бирини танлаб олиш шароити вужудга келади. Демак, эволюцион назария инсон эркинлигини таъминловчи таффакур тарзидир. Шу боис ижтимоий қонунлар инсон эркинлиги, ирода-си, фикрлари орқали намоён бўлади. Шунга кўра, бу тамойил инсон эркинлигини ифода қилар экан инсоннинг ўзлигини кўрсатиш учун чексиз имконият вужудга келади. Бу эса, жамиятни демократиялаштиришнинг муҳим шартини ҳисобланади. Демак, эволюцион назария инсон учун хизмат қилувчи гуманистик таълимотдир.

Еттинчидан, эволюцион йўл кўп модели, кўп имкониятли даврнинг янги назарияси. Мана шу шароитда инсон, жамият, миллат ўзига мақбул йўлни топиб олишга қодир эканлигини кўрсатади. Шунинг учун «Бизнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос» йўлимизнинг назарий асоси эволюцион таълимотдир.

Саккизинчидан, илгари назариялар жамият тараққиёти қонунини объектив деб билиб, уни инсондан ташқарида ўрганган, инсонни жамиятдан бегоналаштирган эди. Ваҳолонки, эволюцион назарияга кўра, инсон, яъни алоҳида шахс жамиятдан ташқарида эмас, аксинча, жамият тараққиётида бетақдор таъсир кучига эга. Шахснинг ижобий фаолияти жамиятни ривожлантиради. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг назарий асоси эволюцион таълимотдир.

Тўққизинчидан, эволюцион назария «Мамлакатимизнинг тарихий ва миллий хусусият» ларидан, халқимизнинг табиатидан - менталитетидан келиб чиқади. Чиндан ҳам Шарқ ва Ғарб таффакур тарзининг бир-бирига уйғунлиги натижаси бўлган таълимот-синергетиканинг асосчилари ҳам эволюцион назария «Шарқ фалсафаси» нинг махсули эканлигини мароқ билан тилга олмоқдалар.

Эволюцион йўлнинг яна бир афзаллиги шундаки, бутун инсоният жуда катта интеллектуал камолот даражасига кўтарилди, шунинг билан бирга, унинг эҳтиёжлари ҳам унга мос равишда ривожланиб бормоқда. Ана шу икки жараённи уйғун ҳолатда ривожлантириш имкониятини фақат эволю-

цион йўлдан бориш билан хал қилиш мумкин бўлади. Бугун худди ана шу йўл фожиаларга олиб келувчи қарама-қаршиликларнинг олдини олишга ва тараққиётга мураса-ю, мадора йўли билан эришиш имконини беради.

Бу йўл бугун ўз мустақиллигини қўлга киритиб, энди тараққиёт йўлига кираётган Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари учун ҳам самара берадиган йўл ҳисобланади. Улар ҳозир тараққиётнинг қайси босқичларида бўлишларига қарамасдан, демократик тараққиёт босқичига ҳам табиий-тадрижий йўлдан боришлари пировард мақсадда эришиш демакдир. Аммо уларнинг ички ҳаётига аралашув, демократияни ташқаридан олиб киритишга ҳар қандай уринишлар кутилган натижа бермайди. Бундай ҳолат фақат мамлакатда ички ва ташқи зиддиятларнинг кучайишига, демократиянинг бунёдкорлик кучига эмас, уни тараққиётдан орқага улоқтириб вайронкор куч сифатида намоён бўлишига олиб келади. Бундай шароитда мамлакатда фуқаролик уруши келиб чиқиши мумкин. Бу эса ўз навбатида мамлакатлараро, миллатлараро қарама-қаршиликларни кучайтириб, демократиянинг қарор топишига йўл қўймайди.

Эволюцион йўлнинг самарали ривожланиши учун ташқаридан бўладиган ҳар қандай «ёрдам» мамлакатда демократик жараёнлар ривожланиши учун зарур бўладиган шарт-шароитларни юзага келтиради. Демак демократия ҳокимият бошқарувида халқнинг иштирок этиши билан белгиланар экан, уни мажбурлаб, бошқарув жараёнига жалб қилиб бўлмайди. Ана шу жараённинг юзага келиши эволюцион йўл билан демократик жамиятга ўтиш имконини беради. Бу йўлнинг самарадорлигини Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Шу боис, бу жараёнларни ўрганиш зарурий эҳтиёждир.

Т а я н ч и б о р а л а р :

Ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари, меҳнаизмларини ишлаб чиқиш, мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ислохотларни чуқурлаштириш, халқ анъаналари, ислом дини, миллий- маънавий, ахлоқий қадрият, демократик жамиятга ўтишнинг моҳияти ва зарурати, давлатнинг вужудга келиши, тараққиёт босқичлари, ривожланиш даражаси, классик йўл, инқилобий йўл, эволюцион йўл, минтақа, қадимий тарих ва маданият, авлодларнинг маънавий руҳий онги, халқ андозалари, урф-одатлар, Ўзбекистон танлаган йўл, уч босқич, фуқаролик жамияти, мамлакатлар тараққиёти, умумий қонуният, уринишлар, ўзгаришлар, халқ бошига тушадиган ходиса, ўтиш даври.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2010 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Танланган асарлар. 1 том. Т., 1996 йил. 36-85 бетлар.

- 3.Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Танланган асарлар. 1 жилд. Т. Ўзбекистон. 1996 йил. 274-284 бетлар.
- 4.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Танланган асарлар 3 жилд. Т., Ўзбекистон. 1996 йил. 175-199, 202-246 бетлар.
- 5.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Танланган асарлар. 6 жилд. Т.Ўзбекистон .1998 йил. 31-40, 125-135, 149-162 бетлар.
- 6.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Танланган асар лар. 6 том. Т., 1999 йил. 6-12, 14-26, 28-38, 47-48 бетлар.
- 7.Каримов И.А.«Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» маърузаси (2005 йил 28 январ).
- 8.Каримов И.А.«Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари- энг олий қадрият» маърузаси (Халқ сўзи 2005 йил 8 декабр).
9. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т., Маънавият., 2008 й.
- 10.Каримов И.А. “Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожлани- шини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз.” Т.: “Ўзбекистон”, 2009 йил
- 11.Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаш- тириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010
- 12.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажли- сидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маъруза-си ни ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010.
- 13.Каримов И.А “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фа- ровонлигини янада юксалтиришдир” – Т.: “Ўзбекистон”, 2010
- 14.И.А.Каримов “ Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганиш бўйича ўқув -услугий қўлланма. Тошкент. 2012 йил
- 15.Шарифхужаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шакл- ланиши. Т., 2003 йил.
- 16.Шарифхужаев М., Шодиев Н. Ўзбекистон-конституциявий давлат. Т. 2003
- 17.Эргашев ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Т., 2005 йил.

Қ ў ш и м ч а а д а б и ё т л а р :

- 1.Левитин Л, Дональд Корлайл. Ислом Каримов янги Ўзбекистон Прези- денти. Агратек, Вена, Австрия. Т., 1995 йил.
- 2.Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т., Ўзбекистон. 2001 йил. 368 бетлар

3. Отамурадов С. Биз танлаган йўл унинг моҳияти нимада. «Фидокор». 22 ноябр 2001 йил.
4. Истиқлол демократия ва фуқаролик жамияти. Т. Шарқ., 2003 йил. 3-14 бетлар
5. Мустақиллик мафкуриси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. Т., 2001 йил. 191-201 бетлар.
6. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Маърузалар матни. (А. Азизханов раҳбарлигида) Т., 2001 йил

5 – МАВЗУ:

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МИЛЛИЙ, УМУМБАШАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ

Р е ж а :

1. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва қадриятлари тушунчаси.
2. Миллий қадриятларнинг тикланиши ва уларнинг демократик жамият қуришда тутган ўрни.
3. Миллий қадриятларнинг яшовчанлик хусусияти, уларнинг демократик жамият қуришдаги тутган ўрни.
4. Демократик жамият барпо этишда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунлашуви. Умумбашарий қадриятларга содиқлик, демократик жамият барпо этишнинг асосий тамойили.

1. Мустақиллик йилларида демократиянинг миллий умумбашарий тамойилларини ҳар бир халқнинг қадриятлари билан уғунлаштириш ва тўлдириш борасида бир мунча ишлар қилинди. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг методологик асослари, илмий ва амалий жиҳатлари Президент И.А. Каримов асарларида, нутқларида кенг ва чуқур ёритилган. Биз мазкур маъруза матнида Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий умумбашарий тамойиллари ва қадриятларини ёритиб берамиз.

Қадрият тушунчасининг ижтимоий-гуманитар фанлар нуқтаи назаридан таърифлари кўпгина илмий адабиётларда турли хил ёндашувларнинг мавжудлигини, баъзан эса уларнинг бутунлай бир-бирини инкор этиши ҳоллари учрайди. Рус тилида «ценность», яъни қадрият тушунчасига, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига, маънавий дунёқарашига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган барча нарса ва ходисалар киритилган. Қадрият, воқеликдаги муайян ходисаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маърифий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча.

Ушбу мавзунинг долзарблигини К.Х. Хоназаров ўзининг бир қатор рисолаларида кўп жиҳатдан қадриятлар тушунчаси, айниқса миллий қадриятлар янги масала, янгича жумбоқлардан бири эканлиги кўрсатади. Х.О Шайхова ҳам умуминсоний қадриятлар мавзуси вақт ўтиши билан янги талқинларни, турлича тафаккур тарзини талаб қилишини алоҳида таъкидлайди. Таниқли файласуф Жондор Туленов: «Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб қадрла надиған табиат ва жамият неъматлари, ходисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим» - дейди.

Қадриятлар – жамиятда кишилар ўртасида обрўга, эътиборга, ҳурматга, нуфузга, аҳамиятга эга кишилар муносабатлари, ҳолатлари моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуасидир. Қадриятларни бундай таърифлаш бу тушунчанинг моҳиятини анча мантикий ифодаласада, лекин қадриятларга берилган таърифлар ичида Қ.Н Назаровнинг таърифи ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан ўзининг илмийлиги билан бошқа таърифлардан ажралиб туради ва асосга эга деган фикрдамиз. Умуминсоний қадриятлар тушунчаси бутун жамият аҳамиятига эга бўлган, инсониятнинг мавжудлиги, ўтмиши, бугуни ва келажагини, яшашининг асосий йўналишлари, қонун-қоидаларини, талаб ва тартибларини, одамларнинг энг азалий орзу умидлари ва идеяларини ўзида акс эттирадиган умумий фаолиятидир. Шу ўринда инсониятнинг энг умумий жамоати бўлган жамиятгина, умуминсоний қадриятларнинг яратувчиси ва сақлаб турувчиси. Умумин соний қадриятлар ниҳоятда кенг кўламли ва серқирра тушунчадир. Унинг замини энг аввало озодлик, тинчлик, демократия туфайли шаклланган инсон бахт-саодати каби умум-ижтимоий маъно ва мазмун кашф этадиган қадриятлардан иборат дейиш мумкин.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўтмишдаги барча социологик таълимотларда қадриятларнинг моҳияти ва уларнинг жамият тараққиётида тутган ўрни масаласига катта эътибор берилган. Қадимги дунё ижтимоий-фалсафий таълимотларда умуминсоний қадриятлар инсон ақлий тараққиётнинг махсули деб қаралган бўлса, Турондаги ижтимоий-фикрлар тарихида, Жумладан, «Авесто»даги учинчи давр деб аталган инсоният келажак истиқболи, адолатли жамият ҳақидаги фикрлар, унинг тарихий илдизларини ташкил этади.

Қадриятларнинг энг муҳим турларидан бири миллий қадриятлардир. Умуминсоний ва миллий қадриятлар тушунчаларининг демократик уйғунлиги диалектикасининг қиёсий таҳлили Амир Темурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини ўрганишда ҳам кўриш мумкин.

Бинобарин, бирон бир жамият маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Халқларнинг маданий қадриятлари маънавий мероси минг йиллар мобайнида шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов бу борада фикр юритиб шундай деб таъкидлаганлар: «Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди». Бинобарин, ҳар бир қадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва рухий олам ходисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади.

Мустақиллик йилларида демократиянинг муҳим умумжаҳон эътирофи этган асосий тамойиллари мавжуд.

Улар қуйидагилар: Эркин ва адолатли сайловлар, очиқ ва ҳисобот берувчи ҳукуматнинг мавжудлиги, қонун ва инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, ҳокимият органларининг сайлаб қўйилиши, сўз, матбуот ва виждон эркинлигининг кафолатланиши, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ҳуқуқлари мавжудлиги ва тенглиги кўппартиявийлик тизимининг мавжудлиги, мулк шакллариининг хилма-хиллиги ва ҳоқозаларнинг амал қилиши билан ажралиб туради:

Президент И.А.Каримов қуйидаги миллий тамойилларга жамоатчилик дикқатини тортади. Бу миллий тамойиллар 1992 йилда ёзилган «Истиқлол йўли муаммолар ва режалар» ҳамда «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарларида илмий жиҳатдан асослаб берилган. Бу халқимиз тан олган тараққиётнинг «Ўзбек модели» деган ном олди.

Бунинг **биринчи тамойили:** аввал иқтисод, кейин сиёсат дейилади. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги назарда тутилади.

Иккинчи тамойил: давлатнинг бош ислохотчи эканлиги. Янгиланиш ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва уларни изчиллик билан амалга оширишни давлат ўз зиммасига олади.

Учинчи тамойил: жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги таъминланди.

Тўртинчи тамойил: Демографик вазият, аҳолининг 60 % кўпроғини ёшлар ташкил этганлиги, кам таъминланган оилаларни, болаларни, нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш.

Бешинчи тамойил: Халқимиз анъаналари, урф-одатлари ҳамда бозор иқтисодиётининг объектив қонун-қоидаларини ҳисобга олган ҳолда эволюцион тадрижий асосда пухта ўйлаб босқичма-босқич ўтиш назарда тутилади.

Демак, ушбу тамойиллар тараққиётнинг Ўзбек модели бўлиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятига ўтишнинг ҳамда унинг жаҳон ҳамжамяти билан изчиллик асосида яқинлашув сиёсатининг негизини ташкил этди. Мазкур тамойиллар, демократик жамият қуришнинг

умумбашарий тамойилларидир. Демократик жараёнда халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини умумбашарий тамойилларда мужассам этиб боради.

2. Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишда умуминсоний ва миллий қадриятларсиз барпо этиб бўлмайди. Қадрият ҳақида фикр юритганда, унинг иккита таркибий қисмини назарда тутмоқ керак. Бунда, энг аввало, инсоннинг объектив оламга нисбатан бўлган актив фаолиятини алоҳида таҳлил қилиш зарур. Умуминсоний қадриятлар тушунчасига моддий ва маънавий муҳим, яшаш шарт-шароитларининг ривожланиши ва ворислик содир бўлиб, янгидан-янги қадриятларнинг шаклланишига, ўтмишдан мерос бўлиб қолганлари эса давр руҳи, янги ижтимоий эҳтиёж ва тараққиёт учун асос бўлган қадриятларга киради. Умуминсоний қадриятларнинг асосий вазифаси оламни билиш ва уни амалий ўзгартиришнинг муҳим омилдир.

Умуминсоний ва миллий қадриятлар тамойиллар уйғунлигининг сиёсий таҳлили унинг инсон маънавий камолотининг муҳим омили эканлигидан келиб чиқиши зарур. Бунга: биринчидан, “демократия ва маънавият тушунчаларининг боғлиқлиги ва улар ўртасидаги муносабат жуда мураккаб эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Баъзи бир тадқиқотчилар” фикрича маънавият демократия йўқ пайтда ҳам ривожланиши мумкин. Масалан, демократиянинг эшикларидан бири ҳисобланган қадимги Римда ҳам Нерон, Калигула сингари золимлар даврида демократия бўғилди, бошқарувдаги демократик тамойилларга барҳам берилди, лекин ўша золим ҳукмдорлар даврида ҳам демократия тугатилганлиги билан маънавият тугамади. Бу фикр анча бахсли ва шунинг учун мунозарага сабаб бўлади. Фикримизча, муаллифнинг фикрлари ўз ҳолича қабул қилинадиган бўлса, унда юртбоши мизнинг «Мустақилликка эришганимиздан кейингина бу буюк аждодлари мизнинг ҳурматини ўрнига қўя олдик. Бизнинг бу интилишларимизни Марказий Осиёдаги қўшинларимиз, маданий халқаро жамият қўллаб-қувватлади. Бу ҳол тасодикий эмас-Соҳибқирон Амир Темур шахси унинг авлодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир.

Ҳар бир миллат ривожланишидаги тарихий воқеалар, унга ижобий ҳисса қўшган шахслар ҳам миллий қадриятлар жумласига киради. Шу нуқтаи назардан Амир Темур шахси бунинг ёрқин исботидир. Бинобарин, Амир Темур қанчалик тақводор, асл мусулмон бўлмасин, қонунчилиكنинг турли тизимлари –диний ва дунёвий томонлари борлигини, уларни ҳисобга олиш кераклигини жуда тўғри англаган. Амир Темур қонунчилиқ деганда фақат шариат қонун чилигини эмас, балки бошқа халқлар қадриятлари, урф одатларини ҳам тушунган. «Миллий қадриятлар - миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга бўлган жиҳат ва хусусиятлар. Ўз миллий қадрияти бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Миллатнинг таназзули- миллий қадриятларнинг таназзулидир. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг,

тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Негаки, миллий кадриятлар нафақат мамлака тимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан бири, балки демократик, адолатли, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий манбаи ҳамдир. Марказий Осиё халқларининг асрлардан асрларга мерос бўлиб келаётган миллий кадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган ва кўплаб оғир синовларни бошдан кечирган. Дарҳақиқат, минтақамиз халқлари 3000 йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиё цивилизациясини яратди.

Марказий Осиё халқларининг миллий кадриятларига хос жихат ларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- а) туғилган макон ва она юртга эҳтиром:
- б) авлодлар хотирасига садоқат:
- в) катталарга хурмат, ёшларга иззат:
- г) инсоний муомолада мулозамат:
- д) ҳаё, андиша, вазминлик, сабр-тоқат кабиларининг устуворлиги билан ҳам характерланади.

Маълумки, демократик кадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли улар:

- маҳаллий
- миллий
- минтақавий
- умуминсоний мазмунда намоён бўлади.

Миллий муҳит демократик кадриятларни яратиш ва саралашнинг асосий манбасидир. Айнан миллий муҳит маҳаллий кадриятларнинг устуворлигини ўз даражасига олиб чиқади ва айти пайтда, умуминсоний кадриятларни ҳар бир кишининг бойлигига айлантиради. «Шу билан бирга ўтмиш кадриятларига, анъаналарга ва турмуш тарзига бетартиб равишда орқа-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка:

-ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин» деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов. Биз бугунги кунда ҳақиқий кадриятларимизни :

- тадрижийлик, андишалик асосида :
- бўҳрон пайтида сабр-тоқат, маромийлик ва вазминлик асосида :
- мулозаматда сертакаллуфлик, кексаларга муносабатда хурмат-иззат асосида :
- ижтимоий сиёсий ҳаётда босиқлик, сиполик ва бошқа асосларда асраб-авайлаб ривожлантирмоқдамиз.

Миллий кадриятлар ҳам қандайдир ўзгармас ходисалар эмас. Миллат тараққиёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг такомиллашиб бориши, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлар ўзгариши билан миллий кадриятлар ҳам ривожланиб боришига имкон яратилди.

Ҳар бир қадрият маълум конкрет давр, шароит ва эҳтиёжларнинг махсулигина эмас, балки унинг кўзгуси ҳамдир. Шу нуқтаи назардан қадриятларга баҳо беришдан олдин улардан фойдаланишда икки омилга алоҳида эътибор бериш керак:

Уларнинг биринчиси – қайси бир қадриятларнинг юзага келган аниқ тарихий шароитлар, иккинчиси ўша даврларга хос бўлган имконият ва эҳтиёжларни ҳам билиш керак, шунингдек, умумбашарий демократик қадриятларми, минтақавий қадриятларми, миллий қадриятларми унинг қайси замин – эҳтиёж асосида вужудга келганлиги, улар ўртасида қандай уйғунлик мавжуд бўлганлиги, ворислик масалаларини ҳам ўрганиш зарур.

Айни пайтда, фикримизча, муайян миллий, синфий, минтақавий, шахсий ва бошқа хусусий қадриятлар тизими ҳам умуминсоний қадриятлар тизимининг ўрнини боса олмайди.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда умуминсоний қадриятларнинг намоён бўлиш хусусиятлари нисбий характерга эга бўлиб, унинг бу хусусияти нисбийлик ҳам доим кўзга ташланавермайди. Шунга кўра демократик тамойилларни миллий қадриятлар билан уйғунлаштиришда унинг қуйидаги намоён бўлиш шакллари алоҳида таъкидлаш зарур.

Демократик адолатли жамият барпо этишда умуминсоний қадриятлар тушунчасига хос бўлган кундалик мулоқотлардаги мазмун билан фалсафий аксиология маъно ўртасидаги фарққа эътибор бериш лозим. Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, умуминсоний қадрият деганда энг аввало, жамият ва одамзод насли учун энг қадрли ва унинг маънавий камолоти учун хизмат қилувчи умумижтимоий аҳамият касб этувчи нарсалар, ходисалар, фаолият ва бошқаларнинг номи, уларни ижтимоий ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий аксиологик тушунчалар назарда тутилади. Демак, умуминсоний қадрият деганда, жамият аъзоларининг ҳаммаси учун умумий аҳамиятга эга бўлган ва ҳар бир шахснинг ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларга ижобий таъсир этадиган, кишиларнинг хатти ҳаракати, амалий фаолияти, яшаш тарзи, бошқаларга муносабати ҳам умуминсоний қадриятларнинг мезони сифатида баҳоланади. Шу билан ҳам умуминсоний қадриятлар тизимида демократик қадриятларнинг ўзи унинг шаклланиши учун кенг майдон очиб беради. Бироқ бу дегани миллий қадриятларнинг ўрни ана шу тизимда пассив ҳолатда экан деган ҳулосани чиқармаслик керак. Негаки, қадриятлар тизимида миллат, унга хос бўлган белгилар, жихатлар хусусиятлар, уларнинг вужудга келиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатадиган ҳудуд, макон ва у билан боғлиқ туйғулар демократик жамиятни барпо этишда муҳим ўрин эгаллайди.

3. Миллат бир томондан, ўзининг қадриятларини муттасил вужудга келтириб турганлиги билан ҳам у яшовчанликка эга бўлади. Демак, миллий қадриятларсиз демократия тамойилларини ҳаётга жорий этиш, уни ҳар бир шахснинг турмуш тарзига айлантириш мумкин эмас демократия нафақат шахс фаолияти, балки у миллатнинг рухияти ҳамдир. Иккинчи томондан эса,

демократик жараёнлар давомида мавжуд қадриятлар тизимининг ўзи ҳам ривожланиб ва ўзгариб боради. Демак, миллат миллий қадриятларнинг ҳақиқий эгаси экан, унинг макон ва замондаги ҳаракати ҳам ўтмишдан келажакка томон яшашни ҳам авлоддан авлодга етказиб берувчи ҳам, унинг асосий объекти ҳам миллатдир. Шу маънода миллатнинг миллий қадриятларнинг таназзули эмас, балки миллий қадриятларнинг такомиллашмаганлиги унинг йўқ бўлиб кетишига ва охир оқибатда эгасиз бўлиб қолишига олиб келиши миллатга бўлган ҳужум энг аввало, унинг қадриятларига бўлган ҳужумдан бошлангалигини тасодифий ҳол деб қараш мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг бир қатор мисолларини кўхна тарихдан ҳам келтириш мумкин.

Миллий қадриятларнинг сақланиб қолиши бу фақат уларнинг ўзини ўзи асраб қолишининг асосий масаласидир. Демак, ҳар қандай миллий қадриятларнинг сақланиб қолиши учун ҳар бир миллатнинг ўзи жавобгардир. Ана шу жавобгарлик, масъуллиқ даражаси миллий ривожланиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Шу ўринда биз К.Н.Назаров томонидан билдирилган баъзи бир фикрларни баҳсли деб ҳисоблаймиз. «Миллат озод бўлмаслиги, сиёсий жараёнлар натижасида бирор империя ёки давлатга қарам бўлиши мумкин, аммо унда ўз миллий қадриятларини сақлаш туйғуси йўқолиб кетмайди». Шу нуқтаи назардан ушбу фикрни таҳлил қиладиган бўлсак, яқин ўтмишимизда, яъни собиқ шўролар даврида бир қатор миллатлар нафақат ўзларининг урф-одатларини, анъаналарини, ҳаттоки, тилини, динини ҳам йўқотиб қўйганлигини исбот этишга эҳтиёж ҳам йўқ.

Бу ҳақда қозоғистонлик профессор, файласуф Қ.Қодиржонов халқаро конференцияларнинг бирида шундай фикрни билдирди: «Қозоқ зиёлиларининг ўз она тилларини ўрганишлари, ўзлаштириши ва ўз тилларида илмий-фалсафий, сиёсий китобларни ёзиши ўта мушкул бўлиб қолаётганлигининг сабаби-улар миллий руҳининг эркинлигига нисбатан узоқ йиллар ҳукмрон бўлган «қизил империя» мафкуравий тазйиқининг натижасидир. Бундай ҳолатни Қирғизистон ва Ўзбекистон зиёлилари ўртасида ҳам кузатиш мумкин»¹⁾

Миллий қадриятларнинг адолатли демократик жамиятни барпо этишдаги ўрнини таҳлил этиш жараёнида энг аввало, миллатнинг ўзини ижтимоий қадрият сифатида қараш зарур. Негаки, миллатнинг ўзи миллий қадриятларнинг ҳам объекти ва ҳам субъектидир.

Марказий Осиё халқларининг асрлардан-асрларга мерос бўлиб келаётган миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган ва кўплаб оғир синовларни бошидан кечирган.

Марказий Осиё халқларининг миллий қадриятлардаги ўзига хос жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

а) туғилган макон ва она юртга ҳурмат:

1.2002йил 8майда ЖИДУда бўлган Халқаро конференция баённомасида келтирилган фикрдан кўчирма.

- б) аждодлар хотирасига садоқат:
- в) катталарга хурмат, ёшларга иззат:
- г) инсоний муомалада мулозамат:
- д) ҳаё, андиша, вазминлик, сабр-тоқат кабиларнинг мавжудлиги:

Маълумки, миллий демократик қадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли улар маҳаллий, миллий, минтақавий, умуминсоний мазмунда намоён бўлади.

Шунга кура демократик тамойилларни миллий қадриятлар билан ўйғунлаштиришда унинг қуйидаги намоён бўлиш шакллари алоҳида таъкидлаш зарур.

а) Демократик жараёнларнинг узвийлиги асосида миллий қадрият сифатида шакллантириш.

б) Одамларнинг тафаккури ва сиёсий савияси билан демократик ўзгаришлар даражасининг мутаносиб бўлишига эришиш орқали,

в) «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган миллий ғоя асосида ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш.

г) Ахлоқий, маънавий, миллий қадриятлар устуворлигига эришиш орқали умумбашарий демократик тамойилларни мамлакат фуқаро сининг турмуш эҳтиёжига айлантириш.

д) Демократик жараёнлар ҳалқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланишни таъминлаш ва бошқалар.

Умуминсоний қадриятлар қандайдир ўзгармас, ақидавий тушунчалар эмас. Даврлар ўтиши, шароит, талаб ва эҳтиёжларнинг ўзгариши билан уларнинг мазмуни, баҳолаш мезонлари ҳам ўзгариб боради. Лекин бу ўзгаришлардан қатъий назар, умуминсоний қадриятлар одамларни жипслаштирувчи, маълум мақсадлар, ижтимоий камолотнинг муайян йўллари учун биргалашиб курашишга, ҳаракат қилишга чорловчи ижтимоий ходисалардир.

Умуминсоний қадриятлар турли даврлар, халқлар ўртасида кўприк воситасини ўтаб, одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка чорловчи куч воситасини ўтайди.

Маънавият борасида ҳам умуминсоний қадриятлар халқларнинг барча маданиятини яқинлаштиради ва уларнинг тезроқ камол топишига имкон яратиб беради.

Умуминсоний қадриятлар инсон маънавий, ижтимоий камолотининг қандай дир алоҳида, бошқалардан ажралган томони эмас. Умуминсоний қадриятлар миллий ва минтақавий қадриятларнинг умумлашган ифодасидир.

Умуминсоний қадриятлар бутун инсониятга хос қадриятлар асосида ташкил топади ва ривожланади, улар айни вақтда барча миллий қадриятларнинг бир-бирига яқинлашиш ва ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Инсонпарварлик ғояларига садоқат, демократия, ижтимоий адолат ҳамма ерда барқарор бўлишига интилиш, инсон ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўймаслик, ҳамма халқларнинг миллий мустақиллик учун бўлган курашларини химоя қилиш кишиларни дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамдардликка чорлаш: ҳамма ерда тинчлик, осойишталик қарор топишига ҳаракат қилиш, атроф муҳитни тоза сақлаш умуминсоний қадриятларнинг ҳозирги кунда катта аҳамият касб этаётган жихатларидир.

Бу қадриятлар бутун инсоният томонидан қўлга киритилган фан, техника, маданият, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш борасидаги янги жихатлар, демократия, қонунчилик, адолат, барқарорлаш тириш борасидаги ютуқлардан ҳам иборат бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш Республикамизни жаҳондаги ривожланган мамлакатлардан бирига айлантириш ишига ҳам хизмат қилади. Бу борада бирор чекинишларга, миллий маҳдудликка ва калондимоғликка йўл қўйиш нихоятда катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Умуминсоний қадриятларнинг маҳаллий шароит, имкониятлар тарихий анъаналар билан боғланганлиги самара беради.

4. Маълумки мамлакатимизда демократик жамият барпо этишда минтақавий қадриятлар билан умуминсоний қадриятлар чамбарчас боғланган. Қадриятларнинг бу туркуми бир-бирига яқин бўлган шароитларда яшаган ва меҳнат қилган, тарихи туташ бўлган мамлакатлар ва халқларда учрайди. Бу қадриятлар ҳозирги кунда катта аҳамият касб этмоқда.

Марказий Осиё халқлари минг йиллар давомида бир-бири билан яқин иқтисодий ва сиёсий алоқалар ўрнатганлар. Уларнинг турмуш шароитлари, тили, маданияти, дини, урф-одатлари, бир-бирига яқин бўлиши кўплаб умум минтақавий қадриятлар шаклланишига олиб келган. Бу қадриятлар турли жойларда бир-биридан биров фарқ қилсада, моҳият жихатдан яқиндир.

Меҳмондўстлик, болажонлик, яқин қўни-қўшничилик, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш, қариндош-уруғлар, дўстлар билан яқин алоқада бўлиш, сахийлик, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш. Ўрта Осиё халқларининг ҳаммасига хос бўлган маънавий фазилатлар мажмуидир. Гарчанд меҳмондўстлик билан боғлиқ удумлар минтақамизнинг ҳамма ерида кенг тарқалган яхши анъана бўлса ҳам улар турли жойларда бир-биридан фарқ қилади.

Кексаларни, ота-оналарни ҳурмат қилиш ҳам Марказий Осиё халқларининг ўзига хос юксак маънавий бойлигидир. Кексалар кўпни кўрган, ақл ва идрок билан ҳар ишда маслаҳат бера оладиган, ёшларга катта тарбиявий таъсир кўрсата оладиган кишилардир. Кексаларни ҳурмат қилиш, улардан сабоқ олиш, ҳаёт тажрибасини ўрганиш маънавий камолот учун янги имкониятлар излашга ҳаракат қилишдир. Ота-онани ҳурмат қилиш уларнинг гапига, панд-насихатларига қулоқ солиш ҳам катта маънавий қадриятдир. Ота-она ҳеч вақт ўзининг фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Улар ҳаётда кўп оғир ва енгилликларни кўрганликлари сабабли, фарзандларининг истиқ-

болини ҳам улардан кўра кўпроқ ўйлайдилар. Баъзан ота-онанинг насиҳатлари ноқобил фарзандларига оғирроқ туюлади. Бу-ҳаётни чуқур билмаслик, ҳаётнинг турли жараёнларига енгил елпи қарашнинг оқибатидир. Фарзандлар ота-онанинг қадрини ўзлари ота-она бўлганидан кейингина фахмлаб оладилар. Бу давр ичида улар маънавий камолотнинг кўп имкониятларини қўлдан бериб қўядилар. Шунинг учун улкан маънавий қадрият бўлиш, ота-онани ҳурмат қилиш одатини асло унутмаслик керак.

Ота-онага бўлган ҳурмат дунёдаги барча халқларда учрайди. Лекин бизнинг минтақамизда бу қадриятни эъзозлаш бошқа ҳамма жойларга нисбатан устунроқ туради. Хашар йўли билан уй-жой қуришда, уй-жойларни таъмирлашда бир-бирига ёрдам кўрсатиш, етим-есирларнинг, бева-бечораларнинг пешонасини силаш, уларни қариндош-уруғлар ўз химоясига олиб, хору зор бўлиб қолишга йўл қўймасликлари ҳам минтақамиз халқларининг барчасига хос қадриятлардир.

Катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган минтақавий қадриятлардан яна бири-жамоатчилик фикридир. Жамоатчилик фикри одамлар орасидаги бир-бирига яқинлик, ўзаро ҳурматнинг ифодаси бўлиб, кенг фойдаланиш мумкин бўлган қадриятдир.

Биринчи хулоса, қадриятлар жамият тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган, ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этадиган кишилар онгига сингиб ижтимоий аҳамият касб этган моддий, маънавий бойликлардир. Шу нуқтаи назардан тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши-буларнинг барчаси янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолиши лозим.

Иккинчи хулоса, Марказий Осиё мустақил мамлакатлари халқлари миллий қадриятларни асраб-авайлаб, оқилона ривожлантиришни ҳар инсоннинг муқаддас бурчига айлантириши зарур.

Учинчи хулоса, қадриятлар ўтмиш билан бугунги кун келажакни боғлайдиган воситадир. Буни фақат билимли ёшларгина келажакка олиб ўтиши мумкин, чунки қадриятлар англономасдан қадрланмайди ва келажакнинг мулкига айланмайди. Шу ўринда Ислом Каримовнинг: «Куч-билим ва тафаккурда»- деган фикрини ўзларида мужассамлаштираётган ёшларимиз мисолида кўриши миз мумкин.

Тўртинчи хулоса, қадриятлар маънавий етук баркамол ёшларни тарбиялайдиган қудратли кучдир. Шу нуқтаи назардан билимлар таркибида қадриятга оидларини ўзлаштириш бугунги бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида ўта зарурдир.

Бешинчи хулоса, қадриятлар жамиятимизни жаҳон ҳамжамиятига қўшувчи ишончли воситадир.» Қадрият инсоният тарихида энг қадимий мавзулардан бўлиши билан бирга, бугунги давримизда у ўта муҳимлиги, ижтимоий аҳамияти ўта юксаклиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ибораси билан айтганда, унинг ватандошларимиз учун «Сув ва

хаводек зарурлиги барча жамият аъзолари томонидан тан олинмоқда», лекин унга бўлган ички муносабатда муштаракликка ҳозирча эриша олганимиз йўқ. Бу ҳолат бир қатор омиллар билан боғлиқ. Чунончи, биринчидан, большевистик мафкура билан суяғи қотган аҳолининг муайян қатламида фақат биз (аслида, мен) ҳақмиз, (ёки ҳақман), бошқаларники эса нотўғри деган умум-демократик тамойилларни ҳозирча хазм қила олмаётганликларининг бир кўриниши билан боғлиқдир.

Олтинчи хулоса, Ғарбда ҳозирги биз учун ёт, номақбул анъаналар мавжуд, улар Ғарбгагина хос. Бу Шарққа тўғри келмайдиган ходиса сифатида қаралди. Уларга тўғри баҳо бермасдан, ҳисобга олмаслик нотўғри бўлар экан.

Еттинчи хулоса, умуминсоний қадриятларни бизники ва бошқаларники, дейиш билан миллатлар ўртасида нифоқ тушинишини ўйламасдан, баъзи бир экстремистик кучларнинг ўзимизники бўлмаган барча нарсалар бизга ёт деб айюханнос солаётганликлари ҳам умуминсоний ва миллий қадриятлар асосидагина маърифатли жамият куриш мумкинлигини англамаётганлигидир.

Саккизинчи хулоса, умуминсоний ва миллий қадриятларни таҳлил этишда ҳеч қачон ер шари аҳолисининг ҳозирча эришган маънавий дурдоналари, шу жумладан, қадриятлари қачон ва қайси тилда дастлаб илдиз отган деган фикрларни исботлаш илмийлик эмас, балки экстремистик ҳарактерга эга бўлган зарарли йўналишдан бошқа нарса эмас. Бугун шуни алоҳида-қайд этиш мумкинки, демократия турли хил миллий- маданий шароитларда яшай олиш хусусиятига эга эканлигини исботлади. Шунингдек, ўзининг миллий-маънавий қадрият ларига таянмаган, айни пайтда, умуминсоний қадриятлар, тамойиллар билан уйғун бўлмаган демократияни ҳақиқий демократия ёки демократик жамият деб бўлмайдди. Бу соҳада баъзи мунозаралар мавжуд бўлиб, Ғарб ва Шарқ демократиясига бўлишга ўриниб ўртада «буюк хитой-девори» ни ўрнатишга уринувчилар ҳам мавжуд. Негаки, демократиянинг умуминсоний қадрият эканлигига таянган ҳолда, уни шарқ, ғарб кўринишларига бўлиб ўрганиш нисбатан эътирозли фикрдир. Бироқ шарқ ва ғарбга хос бўлган демократиянинг ўзига хос хусусиятларини ҳам эътироф этиш керак.

Миллий қадриятлар умуминсоний демократик қадриятлар билан уйғунлаштирилсагина, жамият тараққиётининг ривожланишида унинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Аммо шўролар даврида қадриятлар бир томонлама ёритилар эди, яъни бу борада кўп тадқиқотлар олиб борилган эди. Лекин миллий қадриятларнинг ҳам мавжудлиги эътибордан четда қолар эди. Бундай «тадқиқот» лардан мақсад ҳар бир миллатнинг ўз муайян тарихий тажрибаси асосида ўз қадриятлари тизими шаклланишига кишиларнинг эътиборини тортмаслик, умумжаҳон, умумбашарий қадриятлар эса, синфий асосда белгиланган қадриятларга эътибор берилади, бу синфийлик асосда танлаб олинган умумжаҳон қадриятлари ичида улуғ миллатнинг қадриятлари муҳим ўрин эгаллаб туради.

Т а я н ч и б о р а л а р :

Демократик тамойиллар, қадрият, фалсафий ва социологик тушунча, прогрессив, миллий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар, жамият ва қадриятлар, ижтимоий-фалсафий, тарихий илдизлар, куч-қудрат, маърифий, миллат, эллат, минтақавий, синфий, шахсий, яшовчанлик, уйғунлашув, хулоса, демок-ратик қадриятлар, диний экстремизм, терроризм.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2010 йил.
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Танланган асарлар., 8 том ., Т., 1998 йил.
- 3.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. Танланган асарлар., 6 том. Т. , 1999 йил.
- 4.Каримов И.А.Юксак маънавият- енгилмас куч . Т., Маънавият., 2008 йил
5. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т., Маънавият., 2008 й.
6. Каримов И.А. “Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз.” Т.: “Ўзбекистон”, 2009 йил
- 7.Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси:” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010
- 8.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010.
- 9.Каримов И.А “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” – Т.: “Ўзбекистон”, 2010
- 10.И.А.Каримов “ Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобини ўрганиш бўйича ўқув -услубий қўлланма. Тошкент. 2012 йил
- 11.Комилова Г., Абидова С. Миллий ахлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. Т. 2000 йил.
- 12.Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. Т., 1997 йил.
- 13.Темиров Ф., Назарова С. Жамият ва қадриятлар. Т., 1994 йил.
- 14.Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. Т., 2003 йил.
- 15.Истиклол мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. Т., 2001йил 37-47, 73-80 бетлар.
- 16.Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Маърузалар матни.(Азизханов А рахбарлигида) Т. , 2001 йил

17.Эргашев И ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти., Дарслик., Т., 2005 йил.

Қ ў ш и м ч а а д а б и ё т л а р :

- 1.Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., Ўзбекистон. 2005 йил. 5-35 бетлар.
- 2.Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. Т., Академия. 2000 йил.
- 3.Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Жалолов А ва Хоназаров Қ. умумий таҳририда. Т., 1998 йил.
- 4.Рисқиев Т., Ғуломов С., Назаров К ва бошқалар. Истиқлол, демократия ва фуқаролик жамияти. Т., 2003 йил.
- 5.Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Т., 2003 йил.

6 – МАВЗУ:

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ДЕМОКРАТИК, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ АСОСИ.

Р е ж а :

1. Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қурилишида қонун устуворлиги тушунчаси ва моҳияти.
2. Қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституциявий нормаларга мослиги. Улар асосида адолат, инсон манфаатлари устуворлиги
3. Қонун устуворлигини таъминлаш-ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий мезони. Давлат органларининг ваколатлари.
4. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги қонун устуворлигининг асосий белгиси

1. Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири жамият аъзоларининг қонун олдида тенглиги, Конституция ва Қонунларнинг устуворлигининг таъминланганлигидир. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлгач, «Социалистик давлат», «Умумхалқ давлати» деган тушунчалардан воз кечди ва жаҳондаги илғор, ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосан, ҳуқуқий давлат қуришни асосий мақсад қилиб қўйди. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси-барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунлар устунлигининг таъминланишидир».

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўзига хос бўлган тараққиёт йўлини яъни, бозор иқтисоди тамойилларига асосланган эркин, очик демократик давлат қуриш вазифасини асосий мақсад қилиб белгилаб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз.. Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт».

Дарҳақиқат, адолат тушунчаси билан қонун устуворлиги тушунчаси чамбарчас боғлиқдир. Адолатга асосланган қонунларнинг ҳаётга тадбиқ этилишидан адолатнинг тантана қилишига олиб келади. Демократик жамият қуриш учун мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар адолатли бўлиши, ўзида халқ манфаатларини ифода этиши мумкин ва шартдир. Бу қонунларга оғишмай итоат этилсагина, жамиятда демократия қарор топади ва мустақкам бўлади. Чунки, барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун воситасида жорий этилади.

Қонун устуворлигини таъминлаш, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ манфаатлари муҳофазасини таъминлаш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуришда нафақат мақсади, балки унинг воситаси ва энг муҳим шarti ҳисобланади. Қонун устуворлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III-боби, 15-ва 16-моддаларида белгилаб берилган ва унга бағишланган.

Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Давлати ва унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўз фаолиятини Конституция ва қонунларга мувофиқ амалга ошириш санаб ўтилган субъектларнинг Конституциявий бурчи ҳисобланади. Агар давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, мансабдор шахслар ёки фуқаролар ўзларининг бу бурчларини бажармасалар уларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилади. Конституция ва қонунларга риоя этмаган шахсларнинг жавобгарлиги Конституциянинг ўзида ёки тегишли қонун ҳужжатларида мустақкамлаб қўйилган. Масалан: Конституциянинг 93-моддаси 15-бандига мувофиқ Конституцияни, қонунларни бузган туман ва шаҳар ҳокимларини Республика Президенти ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли. Бу борада шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Конституциянинг нормаси бошқа қонунларнинг нормасидан фарқлироқ, нисбатан устунлик характерга эга. Чунки Конституция бошқа барча қонунлар учун пойдевордир.

2. Улуғ бобоколонимиз Амир Темурнинг «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади» деган ўғутларига амал қилиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳаётимизни ислоҳ қилиш билан бир вақтда, олдимизга қўйилган устувор вазифага алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди. Хусусан, биринчидан: давлат қурилиши ва

бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа, бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламенти нинг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимият нинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат.

Қабул қилинган қонунлар нинг ижро этилишини назорат қилиб бориш Олий Мажлис фаолиятида ўзига хос ўрин тут ади. Олий Мажлис томонидан қонунларга риоя қилинишини назорат қилиш, улар нинг таъсирчанлигини урганиш, қонун ҳужжатлари даги камчиликларни, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш даги нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадини кўзлайди. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ҳар йили қарийб 50 та қонун нинг ижросини ўрганадилар. Қонун ижроси доимий равишда назорат қилиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (16-моддада) мустақ камланган қоидага биноан, «Биронта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Агар биронта норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга зид келадиган бўлса, у бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикасида норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституцияга мослигини таъминлаш механизми ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилмоқда.

Конституция нинг бу моддасига биноан, қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар нинг Конституцияга мослигини қайси орган назорат қилади деган савол нинг туғилиши табиийдир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нинг Конституцияга мослигини назорат қилишни унинг қайси босқичида амалга оширишга қараб, қуйидаги икки турга бўлиш мумкин.

Дастлабки назорат. Бу назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳа шаклида тайёрланган вақтида уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғриси» ги 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган қонун нинг 18-моддасига мувофиқ «Ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган орган нинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қил адиган орган нинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин».

Кейинги назорат. Бу назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингандан кейин амалга оширилади. Кейинги назорат нинг ўзи ҳам 2 турга бўлинади.

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан кейин, аммо, у ҳали кучга киришдан аввал амалга ошириладиган назорат. Бу назоратни адлия вазирлиги ҳам амалга оширади. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейингина кучга киради.

б) кучга кирган норматив ҳужжатлар нинг ҳуқуқийлиги, Конституцияга мослиги юзасидан назоратни барча давлат органлари амалга оширадилар. Фуқаролар нинг Конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан парламент назорати амалга оширилади. Бунда Олий Мажлис нинг

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили – институти муҳим роль ўйнайди. Ер юзида инсон борки, у доимо ўз ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш учун имконият излаган. Омбудсманнинг ташкил топиши эса, давлат билан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, муносабатларни назорат қилувчи вакилдир- «Омбудсман» (Hombutsmen) шведча сўз бўлиб, ҳукумат идоралари фаолиятини тафтиш-назорат қилувчи мансабдор, шахс ёки вакил маъносини англатади. Ушбу фаолият турига оид маълумотлар ҳозирги замон ҳуқуқий адабиётларида кенг тарқалгандир. Бироқ, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда омбудсман институтининг ўзига хос талқини ва тарихий илдизлари мавжуд. Шу нуқтаи назардан, америкалик мутахассис Дин Гаттерининг билдирган фикрлари диққатга сазовордир. У шундай ёзади: Омбудсман институтининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Омбудсманнинг бир қисми одиллик тамойилларидан келиб чиқади. Бизга маълумки, Омбудсманнинг тарихий илдизларидан бири Қуръони Карим ва Ислом мафкурасининг бир қисми сифатида одиллик тамойилларидан келиб чиқади. Уша пайтда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкӣ, оила ва никоҳга оид ҳуқуқларни тартибга солувчи ҳамда шикоятларни ҳал қилиш учун мухтасиб мансаби дастлаб Халифа Умар томонидан ташкил этилган эди. Кейинчалик ана шундай мухтасиб мансаби Мовароуннахрдаги мавжуд хонликларда ҳам ташкил этилган бўлиб улар асосан фуқароларнинг шикоятларини адолат нуқтаи-назаридан ҳал этишга интиланлар. Шундай қилиб, Омбудсман институтининг илдизлари Шарқ мамлакатлари давлатчилигига бориб тақалади.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) демократик йўлдан бораётган жамиятимиздаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда. Олий Мажлиснинг қабул қилган қонунида берилган ваколатларга мувофиқ фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги қонунига мувофиқ, халқ депутатлари вилоят, туман-шаҳар кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 1-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. Бу нормага асосан Президент биринчидан қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари риоя қилинаётганлигини, иккинчидан эса уларнинг Конституцияга мослигини назорат қилиб боради.

Конституцияга кўра, қонунлар Республика Президенти томонидан имзоланади, бошқача қилиб айтганда, ўзининг расмий тасдиғини топади. Агар Президент қабул қилинган қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилмаган ёки у Конституцияга зид деб ҳисобласа, Конституциянинг 93-моддасининг 14-бандига мувофиқ Қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агар бошқа ҳуқуқий, маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонун нинг 26-моддаси, иккинчи қисмига мувофиқ уни тўхтатишга ва бекор қили нишига амал қилинади. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, қонун устуворлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчи лик ташаббуси асосий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар лойиҳаларининг киритилиши ҳам катта аҳамиятга эга.

3. Маълумки ҳуқуқий давлат тушунчаси демократик давлат тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, демократик ҳуқуқий давлат куч ёки инқилоб билан эмас, балки табиий–тарих эволюцион йўл билан барпо этилади. Албатта, ҳар қандай жамиятда ҳуқуқий давлат тушунчаси у ёки бу қонунларнинг мавжудлиги билан белгиланмайди. Негаки қонунлар ҳуқуқий нормалар мажмуи сифатида ҳар бир давлатда мавжуд ва ҳар қандай ҳокимият улардан фойдаланади. Ҳамма гап ўша қонунларнинг қандайлигида ва уларнинг қандай бажарилишидадир.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузаларида ҳуқуқий давлатнинг мазмун моҳиятини белгилайдиган амалдаги қонунлар меъёрий ҳужжатларни танқидий баҳолаган ҳолда, ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида биринчи галда қабул қилишимиз зарур бўлган янги қонун ва меъёрий ҳужжатларни аниқлаб олишимиз керак деб таъкид лаб ўтганлар.

Мамлакатимизда Қонун устуворлигини таъминлашда Юртбошимизнинг 1996 йил (3 октябрда) «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази»ни тузиш тўғрисидаги Фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Бугунги кунда миллий марказнинг, бу борада демократик тамойил ларни ҳаётга тўлиқ жорий этишда айрим жиддий муаммолар ҳам мавжуд. Улардан бири том маънодаги суд, мустақиллигига эришишдан иборатдир.

Республикада қонун устуворлигини таъминлашда Олий Мажлиснинг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг Олий қонун чиқарувчи вакиллик органидир. Олий Мажлис икки палатали парламентдан: қуйи-қонунчилик палатаси ҳамда юқори палата-Сенатдан иборатдир.

Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришни назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин оширишдир

Сенат, асосан, маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларида иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришни инобатга олиб, умумдав-

лат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдир. Сенат сўзи Юнон тилида «Оқсоқоллар кенгаши» маъносини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясига мувофиқ, Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Олий ижро этувчи ҳокимият-вазирлар маҳкамасидир. Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, Конституция қонунларига риоя этилишининг кафолатидир. Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилишига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради. Ўзбекистон номидан иш куради, Ўзбекистон Республикаси Қонунларини имзолаш ва шу каби «вето» ҳуқуқларига эгадир.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунга мувофиқ Республика ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Дарҳақиқат, давлат ва жамият қурилиши, бошқарувнинг ташкил этилиши, уларнинг барча бўғинларида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминловчи тизимнинг вужудга келтирилиши ҳуқуқий давлатни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

4. Суд оддийгина ҳуқуқни қўриқловчи орган эмас. У ҳокимиятнинг тулақонли субъектидир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолатнинг бузилиши муқаррар. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя сини таъминламасдан туриб, демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди.

Ўзбекистон Республикасида суд фикри қонун чиқарувчи орган учун ҳамиша қимматлидир. Зеро, суд ўз ғоя ва таклифларини бевосита ҳаётдан, ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб шакллантиради. Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга ва Қонунларга мослигини назорат қилиш суд органларининг ваколатларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 12-моддаси биринчи қисмига мувофиқ Давлат органини қонунга мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини бузадиган ҳужжат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда ушбу ҳуқуқий ҳужжат юридик кучга эга эмас. Агар бирон бир ҳужжатнинг қонунийлиги тўғрисида суд қарори мавжуд бўлса, ўша ҳужжат

юзасидан фуқаролар ёки ташкилотлар судга яна шикоят қилишлари мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятлар томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявий лигини назорат қилиш. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига юклатилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонуннинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг Ўзбекистон Республикасига мослигини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари индивидуал хусусиятга эга бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилинади деган норма мустаҳкамланган. Прокурор қабул қилган қарорлар устидан шунингдек, Республика Бош Прокурори қабул қилган индивидуал характерга эга бўлган буйруқлар ва бошқа ҳужжатлар устидан амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, судга шикоят қилиш мумкин эмас. Чунинчи, Прокуратура тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддасида прокурорга шикоят қилиниши мумкин деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг 44-моддасида: ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш давлат органлари мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади деб кўрсатилган.

Агарда умумий юрисдикция судларида ёки хўжалик судларида Конституциянинг 109-моддасида санаб ўтилган норматив –ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигига шубҳа бўлса ёки бу масалада фуқароларнинг шикоятлари бўлса, Олий суднинг раиси, Олий хўжалик судининг раиси ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мослигини аниқлаб беришни сўраб, Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолда улар Конституциявий судга мурожаат қилишлари шартми ёки бу уларнинг ҳуқуқларими деган ўринли савол туғилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституция вий суди тўғрисидаги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ, бу уларнинг ҳуқуқларидир. Демак, улар ҳоҳласалар Конституциявий судга масалани кўриб чиқиш учун мурожаат қиладилар, ҳоҳламасалар йўқ. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини назорат қилишда кўрсатиб ўтилган органларни, жумладан, Конституциявий суднинг ваколатлари муҳим аҳамият касб этади. Хулоса қилиб айтганда, қонун устуворлиги қуйидаги учала ҳолат бўлгандагина ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Биринчидан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар адолат принципига, инсон ҳуқуқи ва манфаатларидан келиб чиққан ва ижти-мой асосланган бўлиши шарт.

Иккинчидан, барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаби барча давлат органлари мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши шарт.

Учинчидан, барча норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар Консти туциявий қонунларга мос бўлиши шарт. Демократик жамиятнинг муҳим томони бўлган қонун устуворлиги мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти қуришнинг асосидир.

Демак, Қонун ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, бошқарувчи, бўлмоғи даркор. Ҳуқуқий давлатда фақат қонун ҳакам, қонун ҳукмдор бўла олади.

Т а я н ч и б о р а л а р :

Ҳуқуқий, тараққиёт йўли, Президент, Конституция, Қонунчилик, Конститу ция нормалари, назорат, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, ҳуқуқий давлат, Омбудс ман, Фуқаролар ҳуқуқи, маҳаллий давлат, адолатпарварлик, устуворлик, суд ҳокимияти, учала ҳолат.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2007 йил.
 - 2.Каримов И.А. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Танланган асарлар. 1том. Т., 1996 йил.
 3. Каримов И.А. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йуналишлари». 2002 йил 31август. Т., 2002 йил.
 - 4.Каримов И.А.«Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият» маърузаси. Т., 2005йил.
 - 5.Каримов И.А. Адолат, қонун устуворлигида. Танланган асарлар Том 10., Ўзбекистон, Т., 2002 йил. 26-52 бетлар.
 - 6.Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. Биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Танланган асарлар. Том 11, Т., Ўзбекистон. 2003 йил. 3-52, 57-120 бетлар.
 - 7.Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. «Халқ сўзи», Т., 2004 йил 2 июнь.
- Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т., Маънавият., 2008 й.
- 8.Каримов И.А. “Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз.” Т.: “Ўзбекистон”, 2009 йил
 - 9.Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010

10.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010.

11.Каримов И.А “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” – Т.: “Ўзбекистон”, 2010

12.И.А.Каримов “ Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганиш бўйича ўқув -услубий қўлланма. Тошкент. 2012 йил

13.Шарифхўжаев М., Шодиев Н. Ўзбекистон-конституциявий давлат . Т., 2003й

14.Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Маърузалар матни. (Азизханов А рахбарлигида) Т. , 2001 йил

15.Эргашев ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Т., 2005 йил.

Қ у ш и м ч а а д а б и ё т л а р :

1.Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Нукус, Қорақалпоғистон 1993 йил.

2.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Танланган асарлар. 1 том. Т., 1996 йил

3.Каримов И.А. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Танланган асарлар. 1 том. Т., 1996 йил.

4.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Танланган асарлар. Т., 1996 йил. 76-85 бетлар.

5.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Танланган асарлар., 6 том., Т. , 2000 йил., 8-12, 14-15, 16-26, 28-38, 47-48 бетлар.

6.Каримов И.А.«Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» маърузаси. Т., 2005

7.Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Т., 2003 йил.

7 – М А В З У :

МИЛЛИЙ–МАЪНАВИЙ НЕГИЗЛАРГА ТАЯНИШ-ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ

Р е ж а :

1. Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамият қуришнинг миллий - маънавий негизлари.
2. Демократик ўзгаришларнинг жамият маънавий янгиланишига боғлиқлиги.

3. Маънавий баркамол инсон - демократик жамият таянчи.
4. Жамиятнинг маънавий янгиланишининг Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамияти.

1. “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, - дейди И.А. Каримов, - фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатти бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади”. Дарҳақиқат, маънавият, жамият, миллат, ҳар бир инсоннинг маънавий юксалиши, камолоти ҳозирги шароитда ўта муҳим бўлиши билан бирга жуда кенг қамровли, мураккаб жараёндир. И.А. Каримовнинг бир қанча асарларида ана шу жараённинг энг муҳим жиҳатлари йўналишлари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикасида Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётининг асосий, иқтисодий, маданий, маънавий жабҳаларида туб тарихий бурилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ва вазифаларни ҳал этиш масаласини қўймоқда. Ана шундай улкан вазифа ва масъулият халқимиздан бир томондан, маънавий янгиланиш жараёнини тўлиқ идрок этишни, иккинчи томондан эса, демократик жамият қуришда унга таянишни тақозо этмоқда. Негаки, миллий-маънавий янгиланиш, юксалиш, тараққиёт омилига айланмоқда. Шу боис, мустақиллик йилларида буюк алломаларимизнинг меросини ҳамда жаҳон цивилизациясига қўшган салмоқли ҳиссалари туфайли, янгидан ижодий ўзлаштириш ҳаётий эҳтиёжга айланди десак, муболаға қилмаймиз.

Айниқса, Имом Бухорий, Имом ат -Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулло Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Усмон Носир ва бошқа кўплаб буюк сиймоларимиз илмий-адабий меросини ўрганиш мамлакатимизда барпо этилаётган демократик жамият миллий маънавий негизларини ташкил этмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок, аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига уларнинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз. Масаланинг худди шу жиҳатига урғу бериб, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида баён этган олти устувор йўналишнинг бажарилиши керак бўлган улкан вазифалари пайдо бўлди. Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўзига хос миллий-маънавият ва маданиятининг соҳибига айланди. Ўзбекистон бугунги кунда том маънода асрларга тенг

буюк воқеаларни бошидан кечирмоқда. Тарихдан маълумки, бирор халқ ҳаётида туб бурилиш содир бўлаётган даврлар да жамият янги истиқболи сари бормоғи учун ижтимоий муносабатларни шунга мувофиқ ўзгартирмоғи лозим бўлади. Шу боис, ижтимоий муҳитдаги ўзгариш-лар шахсининг ва бутун жамиятнинг тафаккурида, дунёқарашида, маънавий оламида ўзгариш ларни тақозо этади.

Юртбошимизнинг 1992 йилда эълон қилинган ва дастурий аҳамият касб этган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли» китобининг «Мусс-тақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари» деб номланган алоҳида бобида кўрсатилган тўрт асосий негиз бунинг асосий мазмунини очиб берган.

- умуминсоний қадриятларга содиқлик.
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.
- инсоннинг ўз имкониятларини намоён қилиши.
- ватанпарварлик.

Бу тушунчалар бир-биридан ажралмас ва бир - бирини тақозо этган ҳам-да Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини қуришда мустаҳкам асос вазифасини ўтайди.

Хўш, жамиятнинг маънавий янгиланиши деганда нимани тушунмоқ керак? Маънавий янгиланишнинг мазмуни-моҳияти нимадан иборат? Дарҳақиқат, демократия ҳар бир инсон учун олий қадриятга, жамиятнинг бойли-гига айланмоғи керак. Негаки, бозор иқтисодиётини барпо этиш бирдан-бир мақсад эмас, барча иқтисодий, сиёсий, ислохотлар иқтисодий ва маънавий имкониятларни рўёбга чиқаришдан иборат». Шу сабабли деб, - таъкидлаган эди. Президент И.А.Каримов, - жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтишида бизга ислохот чоғида одамлар моддий аҳволи кескин ёмонла-шадиган ахлоқий қадриятлар, маънавий таянчлар барбод бўладиган ўтиш даврининг барча қийинчиликлари аҳоли елкасига тушадиган андоза мақбул эмас. Бинобарин, одамгина ўз ватанининг ҳақиқий фарзандига айланади. Чунки, тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўла олмайди. Демак, инсон озод эмас экан, жамият, демократик тамойилларни қабул қилмайди. Инсон манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароит, имконият яратиш орқалигина демок-ратик жамиятни барпо этиш мумкин.

2. Ўзбекистонда кечаётган демократик ўзгаришларнинг жамият, маънавий янгиланиши билан боғлиқлигининг яна бир жиҳати бор, ана шу боғлиқлик Президент И.А.Каримовнинг бир қатор рисоаларида ва маърузаларида алоҳида таъкидланган. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси умумий йиғилишида (1994 йил, 7 июлда) сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Буюк аجدодларимизнинг беқиёс маънавий меросини миллий тарихи-миз ва мадания тимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик». Динимиз ва тилимизга қайтдик. Миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, ҳуллас, инсон, маънавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад

ростлаяпти. Дарвоқе, Президентимизнинг маънавият, унинг моҳияти тўғрисида назарий-илмий фикрлари ғоят чуқур ва кенг қамровлидир. Шунингдек, у маънавий тарбия мамлакатимизда демократик жамият барпо этишнинг муҳим шarti эканлигига алоҳида эътибор беради.

Одамлар маънавият ришталари билан боғлангандагина уларнинг халқи миллатга айланади. Чунки «Маънавият - инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч» дир. Маънавият мавҳум тушунча эмас, у миллат билан, миллий тафаккур билан, миллат тарихининг устуворлиги мобайнида тўплаган билим ва тажрибаси тушунчалари, тасаввурлари билан боғлиқ.

Ўзбекистонда кечаётган демократик ўзгаришлар жамият маънавий янгила-нишига боғлиқлигини фақат ўзбек миллати маънавияти билан боғлаш ва уни шундай деб баҳолаш адолатдан эмас. Балки унинг билан ягона бир мамлакат ҳудудида яшаётган турли халқ- миллатга мансуб бўлган барча аҳолининг, турли этник бирликлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳам умумий бойлиги, деб қараш ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

Демак, Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифасини маънавий янгилашниқсиз амалга ошириб бўлмайди. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Демократия, бу кишиларнинг биргаликда ҳаёт кечириши, муаммоларни ҳамжиҳатлик билан ҳал қилиш, шахсий манфаатларни жамоа, миллат, давлат маннфаатлари билан уйғун кўриш, бир сўз билан айтганда, муроса қилиш маданиятидир.

3. “Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, - дейди И.А.Каримов, - Янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун ҳоят долзарб аҳамиятга эга”.

Маънавий баркамол инсон ҳақидаги ижтимоий, сиёсий қарашлар фалсафий фикрлар тарихда куни кеча пайдо бўлган эмас. Унинг тарихий илдизлари Шарқ мутафаккирлари ижодий, фалсафий таълимотларга бориб тақалади.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг негизлари: хусусан, маданий, маънавий тараққиётнинг асосий шартларидан ва конституциявий-ҳуқуқий кафолотларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларга мамлакатимизда яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатлари, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қиладиган ягона мафкура, дунё қараш ҳукмронлик қилмайдиган, сўз ва виждон эркинлиги, умуминсоний қадриятлар ва инсон-парварлик кафолотланадиган, илм-маърифат ва баркамол инсон камол топадиган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуришнинг демократик қадриятлар ва тамойиллар шаклланишини таминлайдиган қонун ва қоидаларнинг киритилиши Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг келажак мақсадларини белгилаб берди. Зеро, Ўзбекистонда фуқаролик

жамияти шароитида Марказий Осиёнинг суверен давлатлари ўртасида «Туркистон-умумий уйимиз» ғоясига асосланган миллатлараро муносабатларда умуминсоний ва маънавий қадриятлардаги миллатлараро тотувлик, эркинлик, инсон саломатлиги, ижтимоий адолат, қонун олдида тенглик, аҳил қўшничилик, ҳар бир шахснинг яшаш, билим олиш, кексайганда ижтимоий ҳимояланиш имкониятлари ва у ҳақда ғамхурлик қилиш, меҳнатсеварлик ва ҳар ким ўз ижодий имкониятларини намоён қилиш имкониятлари, эзгулик, яхшилик қилиш, тинчлик, дўстлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, ўзидан катталарни, ота-онани ҳурмат қилиш, фарзандлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, виждон бурч, байналмилалчилик ва бошқалар ҳар бир халқ, миллатнинг маънавий қадриятида ўзига хос равишда намоён бўлишини кўрамиз. Энг ривожланган демократик мамлакатлар тарихий тараққиётини ўрганиш шундан далолат берадики, бирон бир жамият дастлаб баркамол авлодни вояга етказмасдан туриб буюк ўзгаришларни содир этолмаган. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг тақдири, унинг келажаги ҳам бундан мустасно эмас, Мамлакатимиз Президенти таъкидлаб келаётганидек, ҳар қайси жамият, ҳар қайси давлат ва миллат, унинг табиий бойликлари ҳарбий кучига ҳамда ишлаб чиқариш технологияларига боғлиқлиги нисбийдир. Уни биринчи навбатда дунёга танитадиган, юксак маданиятли маънавий баркамол инсонлардир. Масалага ана шу нуқтаи-назардан ёндошиш аҳамиятга эгадир. Негаки, демократик жамиятни фақат маърифатли маънавий баркамол кишиларгина барпо этиши мумкин. Президент И.А.Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ, биринчи сессиясида «Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» маърузасида «Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда, фақат жисмоний соғломликнигина эмас, балки, шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни ҳам тушунамиз» деган фикрлари демократик жамиятни барпо этишда баркамол авлодни вояга етказиш стратегик аҳамиятга эга эканлигининг исботидир. Шу ўринда, баркамол шахс тушунчаси, унинг демократик жамиятни барпо этишдаги ўрни масаласини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда, инсон тушунчаси, унинг демократик жамиятни барпо этишдаги ўрни масаласи муҳим аҳамиятга эгадир. Албатта, бу Шарқнинг буюк алломалари асарларида комил инсон масаласи доимий равишда катта ўрин олиб келганлигини куришимиз мумкин.

Инсон шундай мураккаб ва кўпқиррали мавжудотки, унинг моҳияти яхлит бир бутунлик сифатида инсон, шахс, индивид, индивидлик тушунчалари орқали ифодаланади. Бу тушунчалар бир-бирига яқин ва маънодош бўлса ҳам, мазмунан моҳиятан бир-биридан фарқланади.

Зотан, уч минг йиллик давомида инсоннинг ташқи ва ички олами, улар ўртасидаги зиддиятлар, инсон билан табиат инсон билан жамият, ўртасидаги ўзаро муносабатлар, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва кадр-қиммати инсон омилининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги роли ҳамма вақт мутафаккирлар-

нинг диққат марказида бўлиб келган. Хусусан, Сўкратнинг «ўзлигини бил» деган ҳикматли сўзи ҳар бир тарихий даврда янгича аҳамият касб этади. Инсонда бутун олам ва жамиятнинг моҳияти мужассамлашгандир. Улуғ мутасаввуф Абдуҳолиқ Гиждувоний инсонни «кичик олам» деб ҳисоблаган.

Ўрта асрнинг буюк донишманди Абу Наср ал-Фаробий талқинича инсон омили ва унинг ақли дунё ривожланишининг энг олий маҳсулидир. Зеро, «Ақл ва нафс» инсон омилининг энг юксак мезони сифатида қаралади. Абу Али ибн Сино инсон омилини қуйидагича ажратиб асослайди.

1. Маълум даражадаги органик ҳаёт:

2. Руҳий ҳаёт.

Зеро, инсондаги инсонлик моҳияти ўзликни англашдан, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини идрок эта билишдан иборат, инсонга берилган руҳ ақлини ривожлантиришга, унга қувват бағишлашга йўналтирилган бўлса, ақл эса инсон томонидан нарсаларнинг моҳиятини танлаб фарқлашга кўмак берадиган кучдир.

А.Берунийнинг таъкидлашича, инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи энг муҳим фазилят, бу инсондаги тафаккур салоҳиятидир.

Маълумки, А.Темур, Улуғбек, Бобур, М.Р. Феруз каби буюк аждодларимиз ҳам зулм ҳукмронлик қилган бу кўҳна заминда қадимдан инсон омилини фаоллаштириш билан боғлиқ кўникма, маҳорат, билим, тафаккур, ақл ва эркин фикр қадрланганлигини, маданият ва маънавиятнинг янгиланиб боришини кўришимиз мумкин.

Халқимиз учун фуқаролик жамиятини шакллантириш қанчалик шарафли ва масъулиятли иш бўлса, унга мос комил инсонларни тарбиялаш иши янада муҳим ва мураккабдир.

Алишер Навоий комил инсонга хос хусусиятларни, унинг хислат ва фазилятларини батафсил санаб ўтган. У «Маҳбуб ул-қулуб» асарида «Одам икки дунёнинг энг азиз ва шарафли маҳлуқидир» деган сўзни келтиради. Алишер Навоий фикрича, Парвардигорнинг оламини яратишдан мақсади инсон эди.

Дарҳақиқат, шундай экан, мамлакатимиз келажаги, демократик ислохотлар тақдири кишиларнинг, бутун халқнинг онги, маънавияти даражасига боғлиқ. Инсон руҳияти соғлом бўлса, ўзлигини англаса, шахсга айланади. Киши шахс даражасига кўтарилсагина, яъни ўз мустақил фикрига, Дунё - қарашига, чинакам инсоний вазифаларга эга бўлгандагина «демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади.»

4. Республикамизда демократик ўзгаришлар ва тадрижий шиддати жамият ҳаётини «Ўзбек модели»нинг стратегик беш тамойили силсиласида узлуксиз демократик такомиллаштиришни тақозо этиши табиий ҳол. Айни пайтда, жамиятни тубдан янгिलाш жараёнларини янги сифат босқичига кўтариш, эришилган ютуқларни холис баҳолаш, устувор йўналишлар ва

бундан кейин ривожланиш стратегиясини шакллантириш тақдириломон вазифа-мақсаддир. Маълумки, собиқ тоталитар тузум даврида олиб борилган халқларни ялпи манқуртлаштириш сиёсати ўзбек халқини ҳам ўз тарихидан, маданиятидан, маънавий қувватидан, миллий ҳиссиётидан, ўзлигидан айиришга анча-мунча улгурди. Советлар давридан қолган бундай оғир «мерос» ҳақида кейинчалик Президент И.А.Каримов шундай фикр билдиради: «Бу тузум ўз халқи-тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодини билмайдиган манқуртларга таянар эди? Дарҳақиқат, узок йиллар давом этган тутқунлик, ғайри инсоний мафкуранинг якка ҳукмронлиги бизга мутеликни сингдирди. Мутелик ўзбек халқининг азалий қадриятлари андиша, назокат либосини кийди ва ҳақиқатни дадил айтиш, ўз фикрини очик билдириш, юмшоқ қилиб айтганда, одобсизликка, беандишаликка йўғрилди. Ваҳолонки, демократия яхши ниятли ростгўйликни, фикр эркинлигини тақозо этади.

Афсуски, собиқ Иттифоқ ҳудудида бу каби эски касалликлардан халос бўлмаган кимсалар ҳамон учрамоқда. Бунини Ислоҳ Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида яна бир бор алоҳида таъкидлаб, шундай дейди. «Ўз умрини яшаб бўлган, сиёсий жиҳатдан касодга учраган, коммунистик мафкурага асосланган тизимни соғиниб-қўмсаб гапираётган айрим сиёсат ва давлат арбоблари, эски тузум тарафдорлари яна қайтадан бош кўтараётганлиги унинг гувоҳи бўлмоқдамиз». Бир сўз билан айтганда, СССРнинг сояси собиқ Иттифоқ минтақасидан ҳали бери бутунлай кўтарилган эмас ва бунини биз доимо инобатга олишимиз ҳамиша сергак ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур.

Шукурларким, халқимиз онги, қайтадан қалбига чуқур сингиган минглаб йиллик маънавий қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз уни зўрлик билан юлиб ташлашга ҳаракат қилинган коммунистик мафкуранинг домига тўлиқ тушиб қолмади. Аммо Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, «Ернинг шўрини ювиш осон экан-у, одамнинг онгидаги шўрини ювиш қийин» эканини манқуртлик касалининг асоратлари, баъзи кишиларимиз онги руҳиятида ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Эркин фуқаролик жамиятини қуришда тарихни, аجدодларимиз қолдирган маънавий меросни ўрганиш, амалда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Тарихимиз қанча кўп ўрганилса, ундан бугунги маънавият, ғоявий ислохотлар шунча кўп амалда тавсиялар чиқаради. Ҳазрат Навоийнинг «Озод бўлмоқ истасанг, ўзингни озод тут» деган сўзлари бугунги воқелик билан боғлиқ эмасми? Ёки яна бир мисол: Ўрта аср тиббиёти илмининг бир тармоғи-маънавият тиббиёти деб аталган экан. «Маънавият тиббиёти», яъни «Маънавий тиббиёт» деган битта номда Ал-Кинди (800-860 й.й.), Абу Бакр Ар-Розий (866 - 925й.й.) Раҳмон Ибн Жазвий (вафоти 1201й) каби кўплаб Шарқ алломалар ўз китобларини ёзиб қолдирганлар. Тан табобати инсон жисми билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва даволаш билан шуғулланган бўлса, маънавий тиббиёт инсон қалби, онгни иллатлардан фориғ этишга, инсоний фазилатларни такомил-

лаштиришга хизмат қилган. Тарихнинг аччиқ сабоқларидан яна бири шуки, маънавият, ахлоқ-одоб ҳар бир инсон ҳатти-ҳаракатлари, фаолияти ва эҳтиёжларининг мезонига айланмай туриб, жамият биронта муаммони самарали ҳал этиши ва тараққиётга эришиши мумкин эмас.

Туркистон ўлкасининг XIX аср 70-йилларида Россия империясининг мустамлакасига айланиш тарихи бунинг ёрқин мисоли бўлади. Аммо энг асосийси, жамиятнинг руҳий эврилишга учрагани, элга бош бўлиши лозим бўлган ҳукмдорлардан тортиб бой уламоларигача ўз шахсий манфаати доирасида ўралашиб қолганлиги, истиқлол учун курашган зиёлиларнинг савий-ҳаракатларига қарамай жамият кишилари нинг бирлаша олмаганлиги дейиш мумкин.

Т а я н ч и б о р а л а р :

Маънавий тарбия, демократик жамият, маънавий янгиланиш, маънавий мерос, мустақиллик ва маънавият нисбати, Ватан манфаати, миллат эҳтиёжи, масъулият туйғуси, анъанавий қадриятлар, демократик жамият қадриятлари, комил инсон, шахсни мунтазам камол топтириш, демократик неъматларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячиси, миллий истиқлол мафкураси ва маънавият, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, инсон ҳаётининг уч соҳаси-иқтисод, сиёсат ва маънавиятнинг уйғун ривожланиш зарурати, шахс, миллат, жамият манфаатларининг уйғунлиги.

А с о с и й а д а б и ё т л а р :

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., Ўзбекистон. 2010 йил.
2. Каримов И.А. Ирода ва имон эътиқодимиз синовлари. Т., Ўзбекистон. 1996 й
3. Каримов И.А. «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда». Т., Ўзбекистон. 1999 йил
4. Каримов И.А.. Ўзбекистон : миллий-истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т., Ўзбекистон. 1996 йил. 33-42, 74-85 бетлар.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т., Ўзбекистон. 1996 йил. 76-85 бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Танланган асарлар. 1 том. Т., 1996 йил
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Танланган асарлар. 6 том. Т. , 1999 йил.
8. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., 1994 йил.
9. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., 1998 йил.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т., Маънавият., 2008 йил
11. Каримов И.А. “Ватанамизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз.” Т.: “Ўзбекистон”, 2009 йил
12. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси:” Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010

13.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010.

14.Каримов И.А “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” – Т.: “Ўзбекистон”, 2010

15.И.А.Каримов “ Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганиш бўйича ўқув -услубий қўлланма. Тошкент. 2012 йил

16.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1994 йил.

17.Отамурадов С. Ўзбекистонда маънавий, миллий тикланиш. Т., 2003 йил.

18.Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. Т., 2001 йил. 73-80 бет

19.Эргашев И ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Т., 2005 йил..

20.Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Маърузалар матни.(Азизханов А рахбарлигида) Т. , 2001 йил.

Қ ў ш и м ч а а д а б и ё т л а р :

1.Каримов И.А. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон. 1995 йил.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Танланган асарлар. Т., Ўзбекистон. 1998 йил. 132-150 бетлар

3.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз. Танланган асарлар. 8 жилд. Т., 2000 йил. 330-351, 402-471, 489-508 бетлар

4.Каримов И.А. Ўзбекистон-келажаги буюк давлат. Танланган асарлар.1 том. Т., 1996 йил.

5.Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Т., 2003 йил. 125-131, 210-231 бетлар.

6.Шарифхўжаев М., Шодиев Н. Ўзбекистон-Конституциявий давлат. Тошкент. 2003 йил. 148-189 бетлар.

М у н д а р и ж а .

1. Кириш _____	5
2. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. _____	6
3. Демократик жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ва унинг ривожланиш босқичлари. _____	17
4. Мустақиллик ва демократик жамият қурилишининг “Ўзбек моделі”. _____	29
5. Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишда ўтиш даврининг зарурлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари. _____	39
6. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва қадриятлари. _____	54
7. Қонун устуворлиги демократик, фуқаролик жамияти қуришнинг асоси. _____	66
8. Миллий- маънавий негизларга таяниш- демократик жамият қуришнинг зарурий шарти. _____	74
9. Мундарижа. _____	82

